



Масалан, Америка томонининг харбий-сиёсий ва молиявий кўмаги ваъдасидан боши айланган ҳолда Ўзбекистон томони ташкиллаштирган бу машғулотларга нафақат Мудофаа вазирлиги, МХХ ва ИИВ кўшинлари, ҳатто махсус резервлар, аввало собиқ Совет Армияси ҳаво-десант

икки мамлакат ўртасида стратегик ҳамкорликни яна-да чуқурлаштириш ҳақидаги декларацияни имзолаганини эслатиб ўтгани бўлди. Ўшанда, орадан бир неча ҳафта ўтиб Каримов Россияга КХШТ дан чиқиш ниятини маълум қилганди. Шундай қилиб, Каримовнинг ўтган йили содир этган “хиёнатлари” яқинда Москвада бўлиб ўтган янги учрашув чоғида ўртага чиқарилди. “Маълумки, ўзбек элчиси Тошкентнинг КХШТдан чиқиш ҳақидаги кутилмаган қарорини Ўзбекистон раҳбариятининг Афғонистон би-

У. ҲАҚНАЗАРОВ: «GOOD BYE, AMERICA!» ЁКИ КАРИМОВ КРЕМЛНИНГ ШАРТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛМОҚДА

Ўзбек диктатори Ислоом Каримов Россия президенти Владимир Путин билан шу йил апрель ойида Москвада ўтказган мулоқоти давомида Кремлнинг ўзига нисбатан яқин ўтмишдаги “Ўзбек тарафининг Россия Федерациясига нисбатан беадаб ҳатти-ҳаракатлари” бўйича бепарда ва нодипломатик тарзда айтилган таъналарини тинглашга мажбур бўлди. Бундан ташқари, мулоқот давомида ўзининг россиялик ҳамкори томонидан бурчакга қамал қилинган Ислоом Каримов “Ўзбекистонда президент ҳокимиятининг бўлғуси меросхўрига нисбатан Москванинг кўз қарашини” ҳам жимгина тинглади. Шундай қилиб...

Каримов Путин билан юзма-юз

Ислоом Каримов томонидан шоша-пиша ташкиллаштирилган икки президентнинг учрашуви ўзбек диктаторининг ҳисоботи, дея баҳолаш мумкин. Зеро бу учрашувда Ўзбекистон томони Россия Федерациясига нисбатан ўзининг доимо ўзгарувчан ва хиёнаткор сиёсати учун, шунингдек, русларга қарши ошқор, нодипломатик кўринишдаги ҳамоқатлари, Кремль раҳбарларига нисбатан муттасил ҳақоратлари, ҳамда Россия инвесторларига нисбатан қароқчиларча қилинган хуружлар ва ҳ.к.лар учун ҳам жавоб беришига тўғри келган.

Жумладан, Ислоом Каримов ўзининг Россиялик ҳамкасби билан суҳбати чоғида унинг 2012 йилнинг ноябрь ойида Чирчиқ шаҳрида шахсан Каримовнинг назорати остида “Россия армияси ҳаво-десантлари ҳужумини қайтариш”, деб номланган ойлик харбий машғулотларнинг ўтказилганлиги ҳақидаги таъналарини ҳам эшитган. Шунинг ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, бу харбий машғулотларнинг Россияга қарши экани нафақат машғулотларнинг номидан, балки мазмунида ҳам мужассам эди.

кўшинларида хизмат қилганлар ҳам тақлиф этилганди. Чирчиқ шаҳрига яна собиқ снайперлар ҳам олиб келинган эди.

“Россия армияси ҳаво-десантлари ҳужумини қайтариш” харбий машқлари иштирокчилари нафақат кундалик харбий машғулотлар билан шуғулланишди, балки улар “Мустақил ва гуллаб-яшнаётган Ўзбекистонга қарши Россия ҳукуматининг ғараз ниятлари, босқинчилик мақсадлари ва мустабид интилишлари” га оид сиёсий ташвиқот машғулотларни ҳам тинглашди. Бу машғулотларнинг Россияга ва русларга қарши ғазаб руҳида ўтганлигини машғулотларнинг мавзуси ҳам кўрсатиб турибди: “Қандай қилиб Россия десантини ҳавода ва қуриқликда йўқ қилиш мумкин”, “Қирғизистон ва Тожикистон – Россия босқинчилари учун плацдарм”, “Ўзбекистондаги этник руслар – Россия жангчиларининг ҳамкорлари” ва ҳ.к. Россияга қарши кайфиятдаги бу каби харбий машқлар Москвадаги учрашувда В.Путиннинг И.Каримовга қарата қатъийроқ гапиришига сабаб бўлди.

Путин Тошкентнинг хорижда яшаб, меҳнат қилаётган ўзбеклар тақдирига тупуриб кўйганидан фарқли ўларок Кремль хориждаги руслар тақдирига бефарқ эмаслигини айтган, ҳамда Россия ҳукумати Кремльга қарши, ҳамда Ўзбекистонда яшаётган этник русларга қарши ўз харбийларини гиж-гижлаши учун бирор сабаб яратмаганини эслатди. Путин бундай ҳатти-ҳаракатларни океан ортидаги, эртагаёқ халқаро майдонда янгидан Ўзбекистонга қарши танқидни бошлашга тайёр турганлар яратганига ишора қилди.

В.Путиннинг янада қалтисроқ ифодаси эса 2012 йилда Тошкентда Ислоом Каримов ўзининг россиялик ҳамкасби билан ўтказган учрашуви чоғида

лан боғлиқ масалаларни мустақил тарзда ечмоқчи эканликлари билан изоҳлади. Сиз Ўзбекистон куруллик кучлари мустақил равишда, яқка ҳолда мужоҳидларнинг хуружини қайтара олишига ишончингиз комилми?! Сиз яхшиси Ўзбекистон армиясини Россия десанти ва Ўзбекистондаги тинч рус аҳолисига қарши эмас, балки сизнинг мамлакатингиздаги ўзбекларингиз орасида ҳам қўлаб-қуватланилиши мумкин бўлган мужоҳид-жангариларга қарши тайёрлаганингиз маъқул эди», — дея баён қилди В. Путин.

(Давоми: 12-Бетда)

АНДИЖОН ҚАТЛИОМИНИНГ 8 ЙИЛЛИГИДА.



Озод Ўзбекистон Халқаро Конференцияси. 11 Май соат 9-00.
Ускудар Истанбул.



аниклаш учун Стромсундга қилган сафарларини Швеция шимолига, Лапландияга сафар қилганликлари билан, ҳамда сафар давомида болалари хасталангани оқибатида Стромсундда тўхтаганлари билан изохлашди. Тагин, устига устак, Юрий Жуковскийнинг ҳам айни ўша Стромсундга сафар қилгани ва

таянган ҳолда, мазкур хабарни берган (<http://www.svt.se/nyheter/regionalt/mittnytt/imamdadet-upp-i-hovratten-1>).

Прокурор швед телевидениясига берган интервьюсида ўзбекистонлик жуфтликнинг келтирган баҳонасига ишонмаслигини ва бу жуфтлик айнан Обид қори Назаров ҳақида маълумот йиғиш учун Мальмо шаҳридан Стромсундга сафар қилгани яққол кўринганини, бироқ Остерсунддаги маҳаллий суд тергов томони илгари сурган материалларига жиддий эътибор бермаганлигини таъкидлаган.

ИМОМГА ҚАРШИ СУИҚАСД ҚАЙТА КЎРИЛАДИ(МИ?)

2012 йилнинг 22 февралда Швециянинг Стромсунд шаҳрида таникли ўзбек имоми Обид қори Назаровга қилинган суиқасд нафақат бу мамлакатдаги ўзбек жамоаларини, ҳаттоки швед ҳукуматини ҳам ларзага келтирганди. Узоқ вақт давом этган изланишлардан сўнг полиция Мальмо шаҳрида яшаётган ўзбекистонлик эр-хотинлар, Боҳодир Пўлатов ва Нодира Аминоваларни ҳибсга олди. Улар суиқасднинг бевосита ижрочиси бўлган Юрий Жуковскийга ёрдам берганликда айланишга эди, бироқ тўрт кун давом этган суд жараёнидан сўнг Остерсунддаги маҳаллий суд ҳайъати уларнинг айблари тасдиқланмаганлигини эълон қилди. Шу билан ўзбекистонлик эр-хотин жавобгарликка тортилмай қолишганди.

Суд жараёни давомида Боҳодир Пўлатов ва Нодира Аминовалар Обид қори Назаровнинг манзил-маконини

у ерда мудҳиш жиноятни амалга оширганлигини эса, унинг бундай мақсади бўлганлигини билмаганликлари билан тушунтиришганди.

Хеч бир қимматга эга бўлмаган арзимас баҳоналарга ишониб қолган суд уларни озод қилиб юборди. Шу йилнинг февраль ойида Швециянинг Сундсвалл шаҳридаги суд биносига Остерсунд маҳаллий судининг қарорини апелляция тартибида қайта кўриб чиқиши лозим эди. Бироқ, бизга номаълум бўлган сабабларга кўра, февраль ойида Сундсваллда жойлашган апелляция суди бу ишни қайта кўрмади.

Айни дамда швед ОАВ Обид қори Назаровга қарши уюштирилган суиқасд иши бўйича апелляция тартибидаги суд жараёни шу йилнинг июнь ойида қайта кўриб чиқилиши ҳақида хабар беришмоқда. Швед марказий телевиденияси прокурор Кристер Петерссонга (Kristers Petersson)

“Мен умид қиламанки, июнь ойида кўриладиган суд бу жиноят иши юзасидан адолатлик ҳукм чиқаради ва айбланувчилар ўз жазоларини олишади”. — деган Кристер Петерссон.

Кристер Петерссоннинг айтишича, у ўзига ишонади.

“Агар ишончим бўлмаганида юқори инстанция судларига шикоят қилмаган бўлардим”, — дейди у оптимистик тарзда.

Июнь ойида бу иш апелляция тартибида қайта кўрилиши ҳақида маълумот берилган бўлсада, аммо у қайси шаҳарда кўрилиши ва жараённинг таҳминан бўлсада қачон бошланиши ҳақида ҳеч нарса айтилмаган. Шунингдек, эр-хотин Боҳодир Пўлатов ва Нодира Аминовалар Швециядан чиқиб кетишган, ёки кетмаганликлари борасида ҳам бирор нарса айтилмапти.

Тўлқин Қораев

МАЙОР А.ЖАҲОНОВНИ ИЧГАН ҚАСАМИ УРДИ

Пахтакор туман ИИБ нинг жиноят бўлимининг собиқ ходимининг берган маълумотига қараганда Пахтакор туман Ички Ишлар Бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари МАЙОР АКМАЛ ЖАҲОНОВ 2013 йил 30 март куни эгаллаб турган лавозимдан бўшатилди.

Майор А.Жаҳонов мансаб курсида ўтирган пайтида «қонун менга хизмат қилади» деб билди. Шу сабабли у хоҳлаган номаъқулчилигини қилди. Шундай номаъқулчиликлардан бири майор собиқ ходими Умид Бегматов (ҳозир Зарбдор туман ИИБга ишга ўтказилди) ва «Чаманзор» ҚФЙ раиси Товбой Солиевнинг ёрдамида уюштирган фитнаси ҳамда Пахтакор туман жиноят ишлари бўйича суди раиси, кўғирчоқ судья А.Аҳмедовнинг чиқарган қарори асосида 2012 йилнинг 6 декабр куни Нуринос Холбоева иккала мизни ўн беш кунга қамади. Қалтаклади. Хўрлади. Бизга тухмат қилаётганлигини, беғуноҳлигимизни Яратган кўриб турганлигини унутди.

Уша машўм кунлар, ҳолатлар кўз олдимда муҳрланиб қолди. Бизни тиббий кўриқдан ўтказиш учун чойхонадан касалхонага олиб келаётган машинанинг олдинги ўриндиғига ўтириб олган майор А.Жаҳонов шун-

чалар хурсанд эди-ки, ҳатто ашула ҳиргойи қилди. Мен: «Ҳозир сиз ашула айтаёписиз, эртага бошқа биров айтади. Қачондир, қаердадир бу қилган жиноятингиз учун албатта жавоб берасиз. Жиноят қилишингизга йўл очиб берган, сизни ҳимоя қилиб турган амалдорлар бугунги эгаллаб турган лавозимдан эртага кетар. Жиззах вилоятида қонун бугун ишларга эртага ишлар. Худо бор. Ундан кўрқинг. Қайтар дунё бу. Бандаси нимани экса шуни ўради. Сиз ҳам кун келиб албатта экканингизни ўрасиз» — дедим.

Биз турган камерага маст ҳолда кириб келган А.Жаҳонов ўзининг номардлигидан, тубанлигидан, ожизлигидан мағрурланиб: «Хўш, ватан хоинлари, қўлимдан нималар келишини билиб олдиларингми? Эшит СЕН (у онасидан ҳам катта аёлни, мени калтаклар экан, сенларди) йўлингдан қайтмайдиган бўлсанг болаларингни ҳам, келинингни ҳам, ҳатто неварангни ҳам аямайман. Ҳаммасини йўқ қиламан. Ҳе-ей, қонун борми? Қайси қонун? Қонун - менман. Эшит! Қонун — менман. Ҳаммангни қуритаман. Овозингни чиқарчи. Бошинга нима кунларни соларканман» -дея одам оғзига



олиш у ёқда турсин, эшитишга уяладиган сўзлар билан ҳақоратлаб урар экан, юқоридаги гапларни такрор ва такрор айтди.

Кейин Нуриноснинг ёнига бориб: «Ёлғиз болангни қамоқда чиритаман! Эшитиб ол. Кимлигимни билдингми? Сенга айтаёпман, кимлигимни билдингми? Билдингми? - дея сочларидан ушлаб олганича бошини деворга урди. Оғзидан чиққан ҳақоратлар урганидан баттар эди. Яна бир куни камерага кирган вақтида у бизга қараб: «Эшитиб ол иккаланг. Устимдаги формамни кўйиб қасам ичаман. Сен иккаланг яна бир бор интернетдан бирор нарса чиқарадиган бўлсаларинг уруғ аймоғинг билан қамоққа тикаман. Устимда кийиб юрган формамни ўртага қўйиб қасам ичаман. Агар шундай қилмасам, формани ечиб, унга тупуриб кетаман» — деганди.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, туман ИИБ ходимларининг қилаётган жиноятларида вилоят ҳокими Сайфиддин Умарович Исмоиловнинг укаси, Пахтакор туман ИИБ бошлиғи подполковник Камолитдин Умаровнинг ҳам ҳиссаси катта, чунки ўринбосари А.Жаҳоновнинг қилган жиноятларидан бошлиғи беҳабар эмас. Аксинча, жиноятларнинг бошида турган К.Умаровнинг ўзи. Буни куйидаги ҳолдан кўриш мумкин. 2012 йил 6 декабр куни Пахтакор туман ИИБ бошлиғи Камолитдин Умаров номига БИЛДИРИШ хати ёзганмиз.

Бошлиқ К.Умаров бу жиноятга шерик бўлмаганида ўша куни иккаламиз ёзган билдириш хатига имзо чекиш вақтида ўқиб кўргач, биз билан сўхбатлашган, ҳолатга аниқлик киритган, жиноятнинг олдини олган бўларди.

Бироқ бошлиқ К.Умаров ўзи бошқараётган ИИБда бўлаётган барча номаъқулчиликларга йўл қўйиб берапти. Ўринбосари майор А.Жаҳонов қанчалик айбдор бўлса, бошлиғи подполковник К.Умаров ундан кўпроқ айбдор.

МАЙОР А.ЖАҲОНОВНИ ИЧГАН ҚАСАМИ УРДИ

(К.Умаровнинг камера ичида ўтирган пайтимизда олдимизга келиб айтган гаплари тўғрисида алоҳида ёзаман).

Майор Акмал Жаҳоновнинг ишдан кетишига айна пайтда шаърий никоҳида бўлган иккинчи хотинига: «Мен оперман. Менга шундай ҳуқуқ берилган, хоҳлаган куним эринг бўламан, хоҳлаган куним отанг бўламан» дея калтаклаб, хўрлаб азоблагани, ҳатто ҳаётига қасд қилишгача борганлиги учун, иккинчи хотини ўзининг ва болаларининг ҳаётини сақлаб қолиш илнжидида Республика ИИБ га, МХХга, Ўзбекистон Бош пракурорига ёзган шикоят аризаси сабаб бўлган.

Одамларнинг миш-мишича майор А.Жаҳонов коррупцияга қарши кураш бўлимига кетганмиш, вилоят ИИБ-сига кўтарилганмиш, Сирдарё вилоятига кўтарилиб кетганмиш, пенсияга чиқиб кетганмиш. Тўғри, шикоят Жиззах вилояти орган ходимларига ёзилганда шундай бўлиши аниқ эди. Шикоятчи буни сезган, шекилли, Республикага ёзибди.

Қонун қандай ишлашини кузатиб борамиз. Ўзбекистоннинг бошқарув тизимида ҳам Пахтакор туман ИИБ бошлиғи подполковник КАМОЛИДДИН УМАРОВга, унинг биринчи ўринбосари майор АКМАЛ ЖАҲОНОВга, судья А.АҲМЕДОВга ўхшаганлар қонунни ҳимояловчилар курсисини эгаллаб олишмаган бўлса, ҚОНУН ишлайди.

Мансабидан, курсисидан, юлдуздан ҳаволаниб кетган, АЛЛОҲни ҳам унутган майор А.Жаҳоновни бугун ичган ҚАСАМИ урди, шекилли. Аслида, давлатнинг, жамиятнинг номини қалқон қилиб, ишониб кийдириб қўйган формасидан, берган лавозимидан, имкониятларидан, ўтқазиб қўйган мансаб курсисидан фойдаланиб, жиноят қилиб, қонунни, хоҳлаганларича бузиб, ЎЗБЕКИСТОННИ обрўсизлантираётганлар ҳам, юзини қора қилаётганлар, тузини еб тузлуғига тупираётганлар ҳам, хиёнат, ҳам хоинлик қилаётганлар шулар эмасми???

Саида ҚУРБОН

ДИНИЙ ЭРКИНЛИКНИ ТОПТАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНГА САНКЦИЯ ҚўЛЛАШ СўРАЛДИ

Халқаро диний эркинликлар бўйича АҚШ комиссияси Ўзбекистонни яна «алоҳида хавотир уйғотувчи» давлатлар қаторига киритди ва диний эркинликларни топтаётган бу мамлакатга нисбатан санкция қўллашга чақирди. Жумладан, юқори лавозимли ўзбек расмийларининг АҚШга киришини ман этиш сўралди.

Халқаро диний эркинликлар бўйича АҚШ комиссияси сешанба куни эълон қилган ҳисоботида Ўзбекистон диний эркинликлар ва инсон ҳуқуқлари энг кўп бўғиладиган ҳамда поймол этиладиган мамлакатлардан бири сифатида тилга олинди.

Ҳисобот муаллифларига кўра, Ўзбекистон ҳукумати кўп йиллар давомида эътиқодни чекловчи қонунларни жорий этган ҳолда барча диний жамоалар устидан қаттиқ назорат ўрнатиб, фуқаролар эркинликларини топтаб келди.

АҚШ комиссиясига кўра, Ўзбекистоннинг 1998 йилда қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни халқаро меъёрларга зиддир.

Айни қонунга мувофиқ, Ўзбекистонда расмий рўйхатдан ўтмаган ҳар қандай диний ташкилот ноқонуний, ҳисобланади.

Тақиқланган ташкилотларнинг асосийлари — Ҳизбут-Тахрир, Акримийлар, Таблиғчилар Жамоати, Нурчилар ҳамда Ваҳҳобийлар диний оқимларидир.

Ҳозирда минглаб ўзбекистонлик мусулмон ноқонуний диний ташкилотларга алоқадорликда айбланиб, қамоқхоналарда узоқ муддатли жазони ўтамоқда.

Халқаро диний эркинликлар бўйича АҚШ комиссияси ҳисоботида кўра, Ўзбекистон қамоқхоналарида диний айблов билан қамалган 5 мингдан 10 минггача маҳбус борлиги тахмин қилинади.

Қамалганларнинг кўпчилиги мунтазам қийноққа солиниши айтилади.

«Ўзбекистон ҳукуматининг қийноқларни йўқ қилиш ҳақидаги ваъдаларига қарамай, ўзбек қамоқхоналарида қийноқлар эпидемик кўринишга эга», дейилади ҳисоботда.

Шу ой бошида Халқаро қизил хоч ташкилоти қамоқхоналарга ташрифларни тўхтатишга мажбур бўлганди.

Ташкилот ташриф шартларининг ҳурмат қилинмагани, маҳбуслар билан қамоқхона шaroити ҳақида яккама-якка сўхбатлашиш имкони берилмагани сабаб шундай қарорга келганини айтган.

Ўзбекистон ҳукумати расмийлари халқаро террорчилик ташкилотлари билан алоқадорликда гумон қилинган шахслар ёки гуруҳларни таъкиб қилишни диний эркинликни чеклаш эмас, балки ҳукуматга қарши қуроли қаршиликнинг олдини олиш, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитаси расмийларидан бири Озодлик билан сўхбатда, мамлакатда рўйхатга олинган ва қонунга мувофиқ фаолият қиладиган диний ташкилотлар вакиллари учун ҳеч қанақа чеклов йўқлигини айтади.

- Жиддий сабаб бўлмаса, ҳеч ким жиноий таъкибга олинмайди бизда, дейди Ўзбекистон Дин ишлари қўмитасининг ўз исмини айтмаган расмийларидан бири.



Ўзбекистонда нафақат диний кўпчилик ҳисобланган мусулмонлар, балки озчиликни ташкил этувчи бошқа диний жамоалар ҳақ-ҳуқуқлари ҳам топталмоқда.

Халқаро диний эркинликлар бўйича АҚШ комиссиясига кўра, Ўзбекистонда турли диний оқимлар вакиллари ўзбек расмийларининг доимий босимларига дуч келаяпти.

“Иегова гувоҳлари”, “Еттинчи кун адвентистлари”, “Баптистлар”, “Баҳойлар” ҳамда “Буддавий”лар ҳукуматнинг доимий қузатуви остидалар.

- Ўзбекистонда ҳукумати мусулмон жамоаларни ичкаридан назорат қилса, бошқа диний гуруҳларни турли рейдлар ўтказиб, ташқаридан назорат қилиб келади, дейди “Форум 18” гуруҳи тадқиқотчиси Феликс Корли.

Ҳисоботда Ўзбекистон диний эркинликлар бўйича назорат энг ёмон мамлакат сифатида Бирма, Хитой, Миср, Эритрея, Эрон, Шимолий Корея, Саудия Арабистони, Судан каби давлатлар қаторида тилга олинган.

Совет Иттифоки парчаланиб мустақил бўлган минтақа мамлакатлари раҳбарлари шу пайтгача поссовет ўлкаларда яшаган миллатдошларига қайиша бошлади.

Масалан Қозоғистон президенти Нурсултон Абишевич мамлакат ташқарисида яшаётган қозоқларга ўз тарихий юртига оммавий кўчиб боришлари учун кенг имкониятлар яратиб кўйди.

Қирғизистон маъмурлари ҳам хорижлик қирғизларни кучоқ очиб кутиб олди, фуқаролик берди.

Адашмасам бу жараён ҳозирда ҳам давом этаётир.

Хатто тожик президенти Имомали Раҳмон ички низолардан кейин афғонлар еридан бошпана топган миллатдошларини битта қолдирмай йиғиб келди. Уларни “орийлар” га айлантириб қўйди.

Фақат Ўзбекистон ташқарисида яшаётган ўзбекларга бахт кулиб боқмади.

Ўзбекистонни ўзи учун маданият ва маънавият ўчоғи, деб билган минтақа ўзбекларининг бора-бора Тошкентдан ҳавсаласи пир бўлди. Бошида синаётган ҳар битта калтакни “пешонамда бори шу”, деб қарши олишдан ўзга чораси қолмади.

“Шўролар кулаб ҳамманинг эгаси чиқди, лекин биз ўзбеклар эгасиз, соҳиби йўқ бир миллат бўлиб қолдик”, дейди Хатлон вилоятида яшовчи 78 ёшли Машраб ота.

Бу отахон Совет Иттифоки даврида Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида бўлиб, кўп дўстлар орттирганини, ўзбек адабларининг китобларидан иборат шахсий кутубхонаси ҳам борлигини айтади.

“Ҳозир у томонларга бориш, жўралар билан аввалгидай гурунглашиш йўқ энди. Бугун менинг дўстларим шу китобларим. Кўзим ўтмайди уларни ўқишга, невараларимга ўқитаман”, дер экан 80 ёшга яқинлашиб қолган бу отахоннинг “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Юлдузли тунлар” романларини ёддан билиши ҳайратга солди мени.

Расмий маълумотларда саккиз миллионлик Тожикистон аҳолисининг 15 фоизини ўзбеклар ташкил қилиши айтилади. Норасмий маълумотларда эса тожик жамиятида икки миллионга яқин ўзбек яшаши айтилади. Ана шулар орасида тарихий юрти – Ўзбекистонни кумсаб яшаётган яна қанча Машраб оталар бор, бу бизга қоронғу.

Лекин шуниси аёнки, минтақадаги ўзбеклар, жумладан мен билган тожикистонлик ўзбеклар ўз она-тилида савод чиқариш ҳуқуқидан деярли маҳрум бўлиб қолмади.

Тожикистонда “тожиклаштириш” сиёсати жадал суратлар билан амалга оширилиши ортидан аввал ўзбек синфлар, эндиликда эса бутун

бошли ўзбек мактаблари ёппасига тожиклаштирилмоқда.

Масалан мен саккиз йил ўқиган А. Беруний номли мактабда ўзбеклар сони тожиклар сонидан беш-олти баравар кўп бўлишига қарамасдан бу мактабда ҳам болаларни биринчи синфдан бошлаб тожикча ўқитиш йўлга қўйилди.

Сабаб битта: ўзбекча дарсликлар ва

ГУЛНОРА РАВШАН: ЭГАСИ ЙЎҚ МИЛЛАТ...

мутахасислар етишмайди.

Бунга ким айбдор?

“Ўзбекистон расмийлари!”, дея жавоб беради бир овоздан тожик расмийлари.

Б у г у н минтақа мамлакатлари орасида энг кўп ўзбеклар яшайдиган Тожикистонда ўзбеклар ҳуқуқлари тез-тез поймол қилиниб турилади.

Масалан сўнгги йиллар Хатлон вилоятининг Қабодиён, Шаҳритус, Колхозобод туманларида яшаётган ўзбеклар диний экстримизмда айбланиб қамоққа улоқтирилганига кўплаб гувоҳ бўлганман.

Туркиянинг Ғазантеп шаҳридан бошпана топган колхозободлик Музаффарнинг айтишича, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ўзбекларни “соғин сигир” га айлантириб олмакчи бўлади.

“Лекин кўпинча бунинг уддасидан чиқолмагани учун уйдирма айб билан уларни қаматиб юбораётир”, дейди диний мотивлар билан қамалишига сал қолганини айтиб Музаффар.

Яна бир мисол мустақилликка эришган Тожикистонда асосий ер эгалари яқингача ўзбеклар эди.

“Бугун сувли ерлар тожик оилаларига, тошлоқ ерлар эса ўзбекларга бўлиб берилаяпти. Мен давлатга қирк йилдан кўп хизмат қилдим. Бугунга келиб менинг еримни тортиб олди, “ўзбаксан”, деб. Мен миллатчи эмасман, лекин 60 ёшга кирганимда оиламни боқиб турган еримдан ажралишим...”, дейди овози бўғилиб Жалнат ота.

Мана шундай, ҳар қадамда ўзбек бўлгани учун қанд ўрнига панд ейди тожикистонлик ўзбеклар. Бу билан бирорнинг иши йўқ.

Бунинг сабаби, ёвонлик Машраб отанинг фикрича, Ислоом Каримов ўз ўзбекларини суймагани, улар учун қайғурмаганида.

“Меннинг ота-боболарим 30-йиллар, колхозлаштириш даврида Ўзбекистоннинг Фарғона вилоятида бу ёққа кўчиб келган. Тожикистондаги тўқайзорларни обод қилган биз-

нинг оталаримиз бўлади. Шу яқин яқинларгача Тожикистонда ўзбеклар обрў-эътиборли эдик. Каримов отамиз бизга эга чиқмагандан кейин шу ҳолга тушиб қолдик. Эринг суйди, элинг суйди, деб бекорга айтмаган эскилар”, дейди бутун умр Ўзбекистонни кумсаб яшаган хатлонлик Машраб ота.

Нега Ўзбекистон президенти Ислоом Каримов минтақа раҳбарлидан ўзгача қарашда, яъни

ўзбекларига қайишмайди?

“Чунки Ислоом Каримов ўзбекларни умуман севмайди. 90-йиллар бошида у ҳатто “ўзбеклар мол халқ бўлади...”, деб айтганига одамлар гувоҳ бўлган. Шунинг учун бугун у юрғизаётган сиёсат ортидан нафақат мамлакат ташқарисидаги ўзбеклар, балки ўзбекистонлик ўзбеклар ҳам ҳар ёққа титилиб кетди”, дея мулоҳаза билдирди Ўзбекистон халқ ҳаракати лидери Муҳаммад Солиҳ.

“Ўзбекистон ташқарисида яшаётган ўзбеклар ўзларининг эркин кўз қарашлари, фикрлари билан Ўзбекистон ҳукуматига душман сифатида кўрилади. Улар Ўзбекистон олиб бораётган сиёсатни аксар ҳолларда танқид қилади ва бу ўз навбатида Ўзбекистон ҳукуматига ёқмайди”, дейди қирғизистонлик журналист Шохруҳ Соипов.

Мавзу юзасидан тожикистонлик зиёлиларнинг ҳам фикрини билишга уриндик.

“Каримов 2005 йил андижонликлар қандай муносабат қилганини эсга олсак бас, бу мавзуда ҳамма саволларимизга жавоб топамиз”, деди тожикистонлик таниқли журналист Умед Бабаханов.

Тожикистонлик сиёсий таҳлилчи Саймуддин Дўстов эса Ислоом Абдуғаниевич минтақа ўзбекларига “сендан угина, мендан бугина” қабилда сиёсат юрғизаётир, дея мулоҳаза юритади.

“Ўзбекистон президенти Ислоом Каримов минтақада лидерлик даъвосини қилиб келади. Минтақадаги ўзбеклар, жумладан тожикистонлик ўзбеклар Каримовнинг бу сиёсатига лоқайдлар. Табиийки Каримов ҳам уларга нисбатан шундай муносабатда бўлади”, дейди Дўстов.

Юқорида саволларимизга жавоб берган суҳбатдошларимизнинг ҳаммаси албатта ўзича ҳақли. Лекин мен кўп йиллардан буён мени қийнаётган саволларга барибир жавоб топмагандекман... Нега калтак ЎЗБЕКнинг бошида синаяпти? Нега ЎЗБЕК ўзи яшаб турган мамлакатда ўз она-тилида билим олиш ҳуқуқига эга эмас? Нега Ўзбек паспортига “тожик”, “қирғиз” ёки бошқа миллат, деб ёздиришга мажбур, нега?

КЕКСА ФЕРМЕРНИ КАРИМОВ ЎЛДИРДИ!

Ўзбекистондан келган хабарга кўра, 14 апрел куни Тошкент вилоятидаги Янгийўл туман милиция бўлими бошлиғи Азиз Тошпўлатов катта бир йиғилишда, ҳамма олдидан Али Турсунов исмли кекса фермерни дўппослаган.

Ўша ерда, ўзи каби фермерлар томонидан кутқариб қолинган отахон эртасига жон берган.

Ҳаммамизни шокка туширган воқеа...

Ўрта асрларга хос бўлган бундай воқеалар бугун Ўзбекистонда тез-тез содир бўлиб тургани сир эмас. Бу ҳақда ёзилапти, айтилапти.

Жиззах вилоятида Шавкат Мирзиёевдан (кейинчалик унинг ўрнига келган Убайдулла Яманқуловдан) калтак еган фермерлар билан кўп марта гаплашганман. Бирининг қовурғаси синган, иккинчисининг кўзи кўқарган, яна бири мияси чайқалган бўлишига қарамай, улар бу ҳақда ҳеч қачан арз қилишмаган, тиббий экспертизадан ўтишмасди. 2-3 кун уйда ётиб, яна далаларига чиқиб кетишаверарди.

Шавкат Мирзиёев ҳокимлиги пайтида, (1998 ёки 1999 йил пахта териш мавсумида эди) ҳокимликнинг катта мажлислар залида вилоят фермерлари ва фаоллари иштирокида катта йиғин ўтказилди.

200 дан ортиқ одам ўтирган зал саҳнасида ҳоким Шавкат Мирзиёев, вилоят прокурори Алишер Муҳиддинов, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи ва Миллий хавфсизлик идораси бошлиғи Али Абдуллаев ҳамда қишлоқ хўжали вазирлигидан келган бир вакил кўр тўкиб ўтиришарди.

Вилоят ва шаҳар ВЛларидан, газеталардан келган мухбирлар ҳам шу ерда эди.

Шавкат Мирзиёев, вилоятдаги пахта терими суръати паст даражада эканлиги ҳақида гапирди ва залда ишлаётган телевидение ходимларига қараб “Эй, кани 10 минут видео-пидеонингни ўчир-чи” деб қолди.

Камералар ўчгач, у ўрнидан турди ва, шу ерда ўтирган мактаб директорлари ҳамда ўқув юртларининг раҳбарларига қараб “Ҳамманг қамоқда чирийсан! Қамалмаганингни ўзим...ман!” деди.

Шундай дея, у маориф ва тиббиёт ходимлари билан “протоколсиз” суҳбатини бошлади.

“Палончиев, тоғда 270 молинг, 300 дан ортиқ қўйинг ўтлаб юрибди, ёзда тўй қилдинг Тошкентни олди артистлари келиб хизматингни қилишди. Буларни ҳаммасини ҳисоб-китоби бизда бор! Коллежинг эртага 2 кунлик нормани жойига қўймаса, кечкурун қамоққа кетасан!”

“Палончи ака, Сизни мактабингиздан 32 та бола теримга чиқмаган. Эртага ҳаммаси далага қайтиши керак. Тушунарлими? Ҳа, айтмоқчи, Пахтакор район марказидаги катта дўконни Сиз очибсиз, а? Табриклайман. Кейин, катта ўғлингиз доллар олди-бердиси билан шугулланар экан, кеча қулоғимга чалинди... Айтинг унга, бу яхши эмас.”



малга бориб учраш, нима қилиш кераклигини айтади”.

“Сен ифлосларни ҳаммангни битта хонага қамаб, устидан ўт қўйиб юбориш керак!”

“Ҳаммангни биринчи қор ёққан куни, Айдарқўлга олиб бориб чўмилтираман!”

“Қаматаман!”

“Йўқ қиламан!”

Мана шундай таҳдидлар билан Мирзиёев, залнинг биринчи қаторига тушиб келди ва 35-40 ёшли бир кишининг рўпарасига келиб тўхтади. У киши Фориш туманидаги мактабларнинг бирини директори бўлиб, маълум бўлишича, бир кун аввал унинг ўқувчилари пахтага чиқишмаган экан.

Ҳокимнинг, нега бундай бўлди, деган ярим ҳақоратли саволига, ўша директор, Кеча ёмғир ёғди кечгача, деб жавоб берди ва “Эртага нормани етказамиз, ҳоким бува” деди. Шунда Мирзиёев унга қараб «Хе сени онангни...» деб сўқинди.

Мактаб директорининг ранги ўзгариб кетди ва Мирзиёевга тикка қараб, “Ўзингни онангни..., билдингми! Мени онамга тегма!” деди.

Ҳамма қотиб қолди. Мирзиёев ҳам.

У директорга қараб “Нима дединг?!” деди ва қулочкашлаб юзига мушт туширди.

Воқеанинг давоми эса, залда қул каби бош эгиб ўтирган одамларни шошириб қўйди: мушт зарбидан салгина қалқиган мактаб директори, ҳоким Мирзиёевнинг тумшугига қараб тушириб қолди-ю!

Шавкат Мирзиёев, ҳа, ўша вилоят фермерлари учун Жипперс-Криперс каби қўрқинчли бир махлук бўлган Мирзиёев гурсиллаб ағдарилиб тушса бўлади!

У ўша сониянинг ўзида ўрнидан сакраб турди-да, директорга тармашиб кетди.

Муштумзўр ҳоким ва маорифчи бир-бирларини савалаб кетишди.

Зал ари уясига ўхшаб қолди.

Саҳнада ўтирган прокурор, милиция ва МХХ бошлиқлари югуриб пастга тушишди. Зал ташқарисида юрган милиционерлар ҳам етиб келишди. Улар мактаб директорини қўлларини қайиришди ва ташқарига олиб чиқиб кетишди. Улар орқасидан Шавкат Мирзиёев ҳам чиқиб кетди. Йиғилиш ҳокимсиз давом этди. Хайратланарли жойи шундаки, шу йиғилишда бўлиб ўтган воқеа бошқа эсланмади, гапирилмади, муҳокама ҳам қилинмади. Яна одатдаги мавзу: терим суръати паст ва уни кўтариш керак, акс ҳолда ҳаммангга ёмон бўлади, каби гаплар...

“Бозорқўм!

Сен лаънатини нима қилиш керак ўзи, билмадим. Одам топа олмасанг, пулинг йўқми чўнтагингда? Б о ш и м н и айлантирмада, пахта трестдаги Ак

Узоқ давом этмади йиғилиш. 10 дақиқадан сўнг ҳамма шоша-пиша тарқалиб кетди.

Залда фақат телевидение, радио ва газета мухбирларини олиб қолишди. МХХнинг бошлиғи Али Абдуллаевнинг шахсан ўзи ҳар биримизнинг чўнтақларимизни тинтиб чиқди, видеокамераларни очиб, ичидаги кассеталарини ҳам олиб қўйди.

“Тушунтириб ўтирмайман нима учунлигини. Буни яхши тушунасизлар” деди МХХ бошлиғи юзимизга совуқ тикилиб.

Эртасига эса, ўша Форишлик мактаб директорининг ўлгани ҳақида хабар келди...

Ўшанда мен вилоят телевидение-си қошидаги “Камола ТВ” деб номланган кичик телестудияда бош муҳаррир эдим. Вилоят телевидение-си раҳбари Туроб Мақсудов мени чақириб, “Сизни Шавкат Мирзиёев сўраяпти экан. Нима ишлар қилгандингиз? Соат 11 да унинг хузурига қирамиз” деб қолди.

Белгиланган вақтда вилоят ҳокимлигининг 5-қаватига чиқдик. Ҳокимнинг қабулхонасида бизни ҳокимликнинг хўжалик ишлари бўйича муовини Қудратилла Рафиқов кутиб олди ва “Шавкат Миранович эрталаб зудлик билан Тошкентга ўқиртирилди, Сизлар билан ўринбосар Ўқтам Мингбаев гаплашди” деди.

Вилоятда ўзининг муштумзўрлиги ва зўравонлиги билан танилган Ўқтам Мингбоевдан одамлар жуда ҳам қўрқишарди. Унинг дастидан жабр кўрмаган биронта тадбиркор қолмаганди. Бу ҳақда алоҳида мақола ёзиш ниятим бор ва шунда кенгрок тўхтамаман албатта. Ўқтамни кўпчилик шоир Абдулла Ориповнинг жияни эканлигини айтишарди.

Ўринбосар бизни ўта совуқ кутиб олди. Суҳбат қисқа бўлди.

“Мен сизни яхши биламан. Хорижий медиаларни маълумот билан таъминлайсиз. Так, кечаги воқеа ҳақида бирон жойда гап чикса, бунинг учун сизни жавобгар қиламиз. Так что, ўзингизга қараб юринг” деди Мингбаев менга қараб.

Ўша даврларда бугунги кунлардаги каби ҳукуматдан оммавий қўрқиб қайфияти йўқ эди. Мамлакатда хорижий радиолар бемалол фаолият кўрсатарди. Менингни ўзим ҳам Интернет юз ташкилоти билан ҳамкорлик қилардим. Журналистикага оид кунун ва қондаларни яхши билардим.

“Мен юз берган воқеа ва ходисаларни Ўзбекистон республикаси қонунлари доирасида баҳоликудрат ёритаман. Гапингиздан шунини ўқдимки, ёки республика конституциясига шу кечаси ўзгартириш киритилган ёки Журналистикага оид қонун бекор қилинган. Шундайми?” дедим мен ҳам унга қараб.

Мингбоевнинг ранги ўзгара бошлади. Ёнимда ўтирган Туроб Мақсудов оёғи билан мени туртди ва “Улуғбек, нотўғри тушунманг, Ўқтам акам, кечаги сингари воқеаларни тарқалиши, республикамиз шаънига яхши бўлмайди, демокчилар холос”, деди.

(Давоми кейинги саҳифада)

КЕКСА ФЕРМЕРНИ КАРИМОВ ЎЛДИРДИ!

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

“Сиз бетгачопарлик қилманг. Ва катталарга қулоқ солишни ўрганинг. И давай все, мен Шавкат Мирамановичга суҳбат ўтказилганини айтиб қўяман. Сиз ишингизга боринг. Сен эса (Туроб Максудовга қарата), қол” дея учрашувга яқун ясади “ўрток” Мингбоев.

Суриштириб билишимча, вилоят ҳокими Шавкат Мирзиёевга мушт қайтарган Форишлик мактаб директори, вилоят ички ишлар бошқармаси ертўласида туни билан Шавкат Мирзиёев ва унинг одамлари томонидан ўласи килиб калтакланган. Эрталабга яқин жони узилган.

Бу ҳақда информация тарқатишга катта тўсиқлар қўйилгани боис, кўпчилик беҳабар қолди. Лекин, Фориш аҳли оёққа турди. Ўлган одамнинг қариндош-уруғлари ва ҳамқишлоқлари 3 та автобусда Тошкентга, президент хузурига отланишгани ҳақида хабар келди.

Ортимда кузатув борлиги учун, чекка йўллар билан Форишга бордим. Бирок, туман марказига етмасдан, орқамиздан фуқаро кийимидаги 6 нафар махсус хизмат ходимлари 2 НЕКСИЯ автомобилида етиб келишди. Мени ўзлари билан олиб Жиззахга келтиришди. Ҳамроҳим Алишер исмли йигитни эса ЖИГУЛИ автомобиллини тортиб олишди, вилоят ГАИсининг сақлаш майдонида беркитишди. (Кейинчалик Алишер сирли равишда автоҳалокатда ўлиб кетди).

Автобуслар Жиззах вилоятидан чиқа олмади. Милиция ходимлари автобус ҳайдовчиларининг ҳужжатларини ва автобусларни мусодара қилишди. Ўлганнинг қариндош-уруғларини эса уй-уйларига қайтаришди.

Орадан кўп ўтмай “Шавкат Форишга бориб, ўлган директорни қариндошлари билан учрашибди” деган гаплар чиқди. Форишлик танишларим эса “Ҳоким Шавкат Форишлик ўлган директорнинг яқинларига катта пул, экин ерлари ва уй солиш учун участкалар берди” деган гапларни айтишди..

Шу билан ҳаммаёқ тинчиди...

Кейинги йилги пахта териш мавсумида эса, Дўстлик туманига борган Шавкат Мирзиёев, ўша ердаги хўжаликлардан бирида, Жиззах Педагогика институти катта ўқитувчиси Хамзаев деган домлани талабалар кўз ўнгиде калтаклади.

Ҳокимнинг мушти, домлани ерпарчин қилди ва шифохонага ҳам етмасдан у жон берди.

2001 йилнинг ёзида эса, Гагарин тумани хўжаликларини айланиб юрган Шавкат Мирзиёев, пахта даласида сигир юрганини кўриб қолади. Ўйинга берилиб сигирга қарамаган 12 ёшли болакайга қарата эса вилоят ҳокими... тўппончадан ўқ узади! Ўқ боланинг елкасини шилиб ўтади ва хайриятки бола тирик қолади.

Қонунлар устивор бўлган ҳар қандай мамлакатда бундай воқеаларга алоқадорлар қаттиқ жазоланади.

Ўзбекистонда эса бундай бўлмади. Аксинча, қанча-қанча инсонларни майибмажруҳ қилган ва жонини олган ҳоким, пировардида республика Бош вазири лавозимига лойиқ қўрилди.

Ва унинг фермерлар, тадбиркорлар иштирокидаги ноинсоний ҳамда аксил-иктисодий тажрибалари республика миқёсига кўчирилди. Ҳозирги кунда ҳар бир вилоят ҳокими истаган фермерни калтаклаши, қаматиб юбориши ва ўлдириши ҳам мумкин. Бунга мисоллар кўп.

Булар ҳақида Каримов билмайди дейиш хато бўларди. У ҳаммасини билади. У ўз ҳокимларининг ҳар бир қадамидан хабардор. Каримовга, ишчан, тадбиркор, қонунларни қурмат қилувчи, эл орасида хурмати бор ҳоким керак эмас. Каримовга ўғри, поражўр, каллақесар раҳбар керак, токи уни керак пайтда бошқариш осон бўлсин...

Каримов бор экан, фермерлар ва тадбиркорларнинг бошида калтак синаверади.

Зотан, ватанимиз иктисодини пароканда қилиб, унинг келажагини хатар остига қўяётган диктатор, фермерларни бутунлай синдириш бўйича аниқ кўрсатмаси борлигини 26 май куни Андижонда очиклади.

Андижон вилоятидаги учрашувда у фермерларга қарата у “Қўркманг! Ҳаракат қилин! Мен Сизлар биланман!” деди.

20 йил давомида маълум бўлган ҳақиқат шуки, диктатор Каримов нима деса, унинг аксини тушуниш керак. Бунга мисоллар келтириш ҳам осон.

“Тадбиркорлар йили” деди Каримов. Тадбиркорлар хонавайрон қилинди.

“Оила фаровонлиги!” дея чинқирди диктатор. Элимиз умуман газ ва энергиясиз қолди.

“Она ва болани асранг!” деди ўзбеклар душмани Каримов. Оналарни бичиш бошланди...

14 апрел куни милиция бошлиғи фермерни уриб ўлдириди. Дунёга овоза бўлган бу ёввойиликни текшириш ҳақида кўрсатма бериш ўрнига, диктатор хеч гап бўлмагандай, 26 апрел куни фермерларга қарата «Қўркманг, мен сиз биланман!» деяпти.

Бир кекса фермернинг қотили бўлган Азиз Турсунов деган кимса эса йирик бир туман милицияси идорасини бошқаришда давом этаётти.

Унга жин ҳам урмайди. У ҳали тўйлар қилади, фарзандларини нуфузли жойларда ўқитади. Ва «Эл юрт хурмати» медалини тақиб олиб, тинчгина нафақага йўл олади.

Чунки у диктатор Ислоҳ Каримовнинг кўрсатма ва буйруғини бажарди холос...

Бу кетишда яқинда ўзбек фермерлари, ҳокимликнинг йиғилишларига бориш олдиан, бола-чақаси билан видолашиб, рози-ризалик тилаб уйдан чиқадиган бўлишади...

ФАРҒОНАНИНГ ОЛТИАРИҚ ТУМАНИДА ТАКСИЧЛАР НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ ЎТКАЗДИ



1 Май халқаро меҳнаткашлар бирдамлиги куни муносабати билан Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги маршрут такси ҳайдовчилари оммавий иш ташлаб, намоийш ўтказишган. Маълумки, мустақиллик йилларида 1 май Ўзбекистонда байрам ҳисобланмайди ва иш кунидир. Бу норозилик намоийшида 400 нафар ҳайдовчи иштирок этгани айтилмоқда.

Намоийш қатнашчилари солиқ идораларига тўланадиган “давлат божи”, яъни такси хизмати кўрсатиш ҳуқуқини берувчи патент қиймати 38%га ошиб, бир ойда 58000 сўмга чиқарилганидан норозилик билдиришди.

Ҳайдовчиларнинг аксарияти маршрут такси қатновида ҳаракатланадиган автоуловларни ижарага олиб ишлаштилади. Ҳам ижара ҳаққи, ҳам юқори миқдордаги давлат божини тўлашга мажбур бўлаётган маршрут такси ҳайдовчилари учун ўз рўзгорларини боқиш имкони деярли қолмапти.

“Ижара пули тўлайликми, ёки болачақа боқайликми?” – дейди ҳайдовчи Ҳакимжон Вакилов.

Намоийшга чиққан бу ҳайдовчиларнинг талаблари қондирилдими?

Бу саволга жавоб берган ҳайдовчи бекордан бекорга 30та Дамас русумлик микроавтобус ҳайдовчиларининг қамоққа олинганини билдирди Ҳакимжон Вакилов. Уларнинг норозилик чиқишларини бостирган ИИБ ходимлари куч ишлатиб, дўппослашлар билан қарши олишгани айтилмоқда. Шу куни 19 одам тан жароҳати олган.

Воқеа ҳақида бизга маълумот берган ҳайдовчилар давлатни ва солиқ инспекцияси ходимларининг чўнтагини қаппайтириш учунгина ишлаётганликларини ва бундан норози эканликларини таъкидлаб ўтди.

ЎХХ матбуот хизмати учун
Ҳамидулло Турдиқулов

Улуғбек Ҳайдаров

Ёкиб ўлдирилган юзларча, балки-да мингларча инсон жасади!

Бу ер — Бурма. Бу музофотда мусулмонлар яшайди.

Аслида мусулмонлар Саудияда, Туркияда, Эронда ва ҳаказо — ер шарининг ҳар тарафида истиқомат қиладилар! Бугун бизлар ислом олами ўларок, дунёнинг балки 1/7 территориясида давлат қурганмиз. Нуфусмиз эса дунё аҳолисининг 1/4 га тенг! Аммо таъсири-миз йўқ биз мусулмонларнинг, мамлакатларимиз ва давлатларимизнинг!



ЯНГИ ҚАТЛИОМЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК !

Ажабо, шу саволни сўрасак муболаға бўлмасми: бизлар мустаҳақ эдиг-у, бизнинг ўрнимизга мана шу — Арақонли, Бурмали биродарларимиз ёкиб ўлдирилмоқдами ??

Гуноҳлари озчилик эканликларидами?

Агар шундай бўлса улар жаннатга қирадилар, аммо бизларнинг томошабин бўлиб четда жимгина туришимизнинг жазоси надира ажабо?

Қўрқаман-ки, абадий жаҳаннам бўлмасин!

Саудия раҳбарияти нефт қувурларини ёпиб қўйиб БМТни фавқуллодда қурултойга тўплай олмайдими? Эрон икки лoфнинг бригада Фарбга қарши арслондай куқраши ўрнига бу мавзунни кун тартибга олиб чиқса бўлмайдами? Ёхуд биз Туркия ўларок дунёни титрата олмаимизми?

Кўп нарса қўлимиздан келади, аммо негандир неч нима қилинмайди, қандайдир гизли (махфий) қўл бизни тутиб туради, «жим бўл!» деб...

Жаҳаннамга билет сотиб олаёпмиз биз ана шундай...

Бу маъсумлар бугун ёнаптилар —

бизлар охиратда ёнамиз бу бамайлихотирлигимиз учун!

Шу ерга қаранг! Арақон мусулмонларини — гўдак демай, аёл демай, қари демай халқнинг барча кесимини ёкиб ўлдираяптилар, йўқ қиляптилар!

«Инсониятга қарши жиноят» содир этаяптилар буддистлар! — Биз жиммиз!

Динга, ислом динига қарши очикдан-очик уруш эълон қилдилар — биз гумроҳмиз!

Геноцид қилишайпти — бизлардан яна сас-садо чиқмаяпти! Муте бўлиб тураёпмиз қатор-қатор, пуллар каби...

Бу расмларни ҳаммага, ҳар кесимга, халқнинг ҳар қатламига улаштирайлик! Ҳукуматлардан наф чиқмаса балки халқлардан чиқар?

Депутатларга, ҳукумат аъзоларига, расмий мутасаддиларга ҳам тарқатайлик. Социал тармоқларда ёйилик! Таниш-билиш, ҳамманинг е-маилига жўнатайлик!

Агар брор яқинингиз йўқолиб қолса кунда неча марга расмини тарқатасиз?

Бошимизга бало тушгандагина уйғонамиз ми?

Бу инсонлар бизнинг «яқинимиз»

эмасми? Ёхуд бизлар улардан шунча ҳам «узок»мизми?

Бу инсонларнинг муслумон эканини бир тарафга қўйиб шуни ўйланг: ҳатто хайвон бўлса ҳам бу ваҳшат раво кўрилмас-ку!!

Бу жиноят учун ер қурасининг терс айланиши — қиёматнинг содир бўлиши мустаҳақдир балки!

Аммо Аллоҳ (жалла жалолуҳу) ачинади биз инсонларга! Йўкса инсониятнинг бунча зулмига жавобан қиёмат анчайин содир бўлгандир балким? Агар марҳамати болмасайди Аллоҳнинг, қиёмат кўпдан қойим бўлган бўлармиди яъни?!

Динимизда «ёкиб ўлдириш» феъли фақат ва фақат эркак билан эркакнинг жинсий алоқаси учун берилажак жазодир! Аммо ёқмоқ суратида фақат ва фақат Аллоҳ (жж) жазо бериши мумкин! Буни ҳам бу дунёда эмас, охиратда — жаҳаннамда беради У... Шунинг учун ҳам баҳсга мавзу иллатни — жиноятни содир этган маълунларга бу жазо берилмай, улар ўзлари яшаган музофотан бадарға қилиниб, кўч эттирилар экан эскидан...

Бу феълни (ёкиб инсон ўлдирмак феълни) қилганлар на золим инсонлардир!

Ҳар турли илоҳий ва инсоний қардиятларни оёқ-ости қилганлари етмагандай, Аллоҳ (жж)нинг Ўзи учун махсус қилгани феълни ижро этиб, таъбир жоиз бўлса, Аллоҳга шерик бўлишга қалқишмоқдалар улар!

Бу хабарни ҳаммага, ҳаммага, ҳаммага тарқатайлик!

Мўл-мўл тарқатайлик-ки, балки, навбатдаги аёл ўз боласи билан ёкиб ўлдирилмасин, навбатдаги қабила тўп-яқун яқсон бўлмасин!

Пирмуҳаммад Холмуҳаммад

ШОВ-ШУВ, ЖАНЖАЛ БЎЛМАСА, ДАВЛАТ ҚИЛТ ЭТМАЙДИ



ЎХХ матбуот маркази мухбирларининг Самарқанддан бироз кечикиб юборган хабарига қўра, 2013 йил 24 март кунда вилоятнинг Пастдарғом тумани, Гузалкент қўрғони, Зормон қишлоғида бир ҳалокат содир бўлган. Қишлоқ яқинидан ўтайдиган темир йўли орқали Самарқанддан Бухорога томон ҳаракатланаётган транспорт поездининг юк ортилган уч вағони рельсларидан чиқиб кетган. Бу ҳалокат соат 16-17лар орасида содир бўлган.

Мазкур ҳодиса юзасидан на респу-

бликава на маҳаллий ОАВ бирор маълумот тарқатмади. Ҳалокат содир бўлган жойга етиб келган МХХ ва ИИБ ҳудудни қўраб олиб, унда тергов-суриштирув ишларини бошлаб юборган.

Вагонларнинг бирида салқин ичимликлар, иккинчисидан қурилиш материаллари, жумладан сифатли ёғоч маҳсулотлари бўлган. Учинчи вагонда эса ўғит тайёрлаш учун мўлжалланган махсус дорилар (аммофос) бўлган. Мазкур ҳодиса сабаб, бу «моллар» истеъмолга ва фойдаланишга мутлоқ яроқсиз ҳолга келган. Чор тарафга сочилиб кетган маҳсулот ва товарлар кимга, ёки қайси ташкилотга тегишли эканлиги, шунингдек, бу ҳалокат учун кимлар масъуллиги ошкор этилмапти.

Темир йўлдаги бу фалокатда инсонлар қўрбон бўлмаган. Ҳалокат саба-

бини қуйидагича тахмин этиш мумкин:

2007 йилнинг февраль ойи охирида темир йўл устига қурилган кўприк ағдарилиб кетган эди. Қайта тиклаш ишлари вақтида поездлар ҳаракати вақтинча тўхтатилиб, унинг ёнига кўчирилган. Йўл сифати талабга жавоб бермаган ва поезднинг оғир юқларини кўтара олмай, рельслар ерга ботиши оқибатида ҳалокат юзага келган.

2007 йилдан бери мазкур кўприк ҳали ҳам қуриб битказилмагани хайратланарли албатта. Ўзбекистонда бундай ишларни битказилиши учун албатта бир талофат бўлиши ёки кимлардир зарар кўриши, ёинки ҳаётдан кўз юмиши керак. Мана шунда ҳам шу иш шов-шув бўлсагина, Давлат бу иш билан машғул бўла бошлайди.

Самарқанд шаҳри: ЎХХ мухбири

Журналистлик — ғалати касб. Фараз қилайлик, сиз муҳим муаммони кўтариб чиқасиз, уни минглаб кишилар ўқиб, сизга таҳсин айтишади. Мабодо сиз хатога йўл қўйгудай бўлсангиз, буни ҳам улардан яшириб бўлмайди.

Русларда: «Убить нельзя, помиловать» деган ибора бор. Ана шу жумладаги вергулни «убит»дан сўнг қўйиб кўринг-а, қанақа маъно чиқади.



Биргина вергул инсон тақдирини ўзгартириб юборади.

Ҳушёрликни зинҳор қўлдан бермаслик керак. Биз мафкура қули эдик, бугунги журналист қонун қули бўлишга мажбурдир!

Даққоқ статистика газетачиларнинг бошқа касб соҳибларидан қисқароқумр кўришларини кўрсатади. Экстремал ҳолат, деб аталадиган яъни қирғинлар, табиий офатлар содир бўлган жойдан, одатда, болалар, кексалар, беморларни олиб қочиш ташвишида бўладилар.

Мухбир эса касбу кор тақозоси билан камераси ёки блокнотини кўтариб, ўша ажал комига қараб юғради ва кўп ҳолларда Азроилга чап беролмай қолади.

Сўнгги йилларда журналистларни гаровга олиш ҳоллари ҳам кўпаймоқда. Лекин шуларга қарамай, мухбирлар муқаддас касбларидан воз

ЖУРНАЛИСТЛИК — ҒАЛАТИ КАСБ

кечмаябдилар! Бунинг устига мухбирларни ёқтирмайдиган кишилар ҳам оз эмас. Фақат турфа тоифадаги амалдорлар ёки нопок безбетларнигина назарда тутаётганим йўқ. Мухбир дегани — қанақа мафкура ноғора чолса, ўша оҳангда йўрғалашга мажбур бўлади. Ваҳоланки, мазкур ноғора ҳеч қачон ҳаммабоб бўлолмайди. Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, ҳар қандай ўткинчи (бу дунёда нима ўткинчи эмас) мафкуранинг ҳам қули бўлиб қолавермаслик керак экан. Биз нуқул чучмал шукрона ва ҳамду-саного эрк бермай, қониқмаган, норози одамларнинг ҳам дилларига қўл солабилишимиз зарур. Аслида, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётнинг локомотивлари ана шу қониқмаган одамлардир. Фақат ўшалар кураш учун куч топаоладилар.

Хўжа Аҳрори Вали ҳазратлари «Бизга бошқа масъулият — одамларни золимлар зулмидан қутқариш масъулияти юкланган» деган эканлар ҳидоятқорона.

Бу аҳли қалам учун боқий шиор эмасми?!

Бу мустақил Ўзбекистон конституциясининг талаби эмасми?!

Бугуннинг золими эса одамларни дарра билан урмайди, банди зиндон қилмайди, аммо тиржайиб туриб, унинг ҳуқуқларини оёғости қилади.

Мақтанишга йўйманг-у, саксонинчи йилларга (XX аср) келиб матбуотимизда ошкоралик, демокра-

тия жумраклари етарлича очилди. Қанақа қалтис муаммоларни даядиллик ила кўтариб чиқмадик биз. Аммо ҳозир ундай эмас. Айниқса, Россия ОАВ идан бохабар киши газета, журналларимиз ва — ТВ анчайин чучмал, жўн ва ҳароблигига ишонч ҳосил қилади. Бу ҳолни парламентда ҳам тан олишди. Мухаррирлар эса бор айбни журналистларнинг журъатсизлиги, савиясига тўнқамоқда. Менинг назаримда, асосий айб мухаррирларнинг ўз курсисидан ҳавотир тортишидадир. Шахсан ўзим талай мақолаларимни айнан мухаррирлардан ўтказолмай ҳалак бўлиб юрибман.

Кечирасиз, чалғиб кетдим, Барибир, журналист бўлиш — яхши!

Журналистлик билан ёзувчиликни уйғунлаштирганлар эса яна ҳам омадлироқ кишилардирлар.

Нусрат Раҳмат

КАРИМОВНИ РАҲБАРЛИКГА КГБ ТАНЛАГАН

(Усмон Ҳакназаровнинг: «Good bye, America!» ёки Каримов Кремлнинг шартларини қабул қилмоқда» мақоласига муносабат ўрнида)

90-чи йиллар ўрталарида Москвада мен Россия ҳукумати, аниқроғи Ельцин ҳукуматининг асосий йўлақларига бемалол кириб борадиган бир танишим билан узоқ суҳбатлашиб колдим. Кутилмаганда у менга қизиқ савол берди:

«Ҳукуматга давлат тўнтариши билан келган Ельцин ўзининг махсус хизмати вакилларига берган биринчи буйруғи қанақа бўлганини биласанми?». Турган гап, мен бу ҳақда билмас эдим ва буни унга айтдим.

«У дарҳол КГБнинг архивини қўлга олишни буюрган», деб айтди танишим.

Аммо бу гап ҳам менга тушунарсиз эди ва менга тушунарсиз бўлган бу нарсага ойдинлик киритишни илтимос қилдим. У менга қисқа, бироқ аниқ қилиб тушунтирди.

- СССР пайтида КГБ ҳар қандай катта-кичик давлат лавозимини эгаллаб турган раҳбар устидан — мактаб директоридан бошлаб республика компартиясининг 1-чи котибига қадар — иш (дело) очиб қўйган.

Бу амалдорнинг бу делосига ҳамма нарса, айниқса унинг хато-камчиликлари, жиноятлари ва бошқалар ёзилар эди.

Баъзан махсус хизматлар унга жиноятлар қилишга, масалан пора олишга, бегона аёл билан айшу-ишрат қилишга (ва бошқа шундай ишларга) «ёрдам» беришган.

Буларнинг бари делога ипидан-игнасиғача киритилар ва бундан амалдорнинг хабари бўлмас эди. Делонинг асли Москвада, нусхаси эса республика КГБсининг архивида сақланарди.

Агар, масалан, вилоят компартиясининг 1-чи котибигига номзод кўрсатилаётган бўлса, архивдан шу мансабга лойиқ, деб ҳисоблашган, масалан, 10 та амалдорнинг делосини олишарди.

Делолар ўрганиларди ва номзод танланарди. Танлашда ақлли, ишчан, фуқаро ва аҳолига адолатли одамни эмас, балки делосида хато-камчиликлари ва жиноятлари сероброқ бўлган одамни танлашар эди.

Юқори лавозимларга одатда номзодни КГБ «таҳлилчилари» кўрсатишарди.

Мазкур лавозимга номзоди кўрсатилган шахс маълум бир жойга



суҳбатга таклиф қилинар ва унинг олдида нафақат мазкур лавозимни эгаллаш имконияти борлигини, балки унинг делосини ҳам қўйишар эди. Унга қўйиладиган ягона талаб коммунистик сиёсий тузумга содиқлик билан хизмат қилиши ҳақида ёзма мажбурият бўлган.

Иш жараёнида ҳар қандай ўзбошимчаликка йўл қўйилмайди!

Ислом Каримовнинг делоси ҳанузгача Россия ФСБ (собиқ КГБ)си қўлида турганлигига шубҳа йўқ.

Одатда КГБ (ФСБ) майда-чуйда ишлар учун у ёки бу мансабдорнинг делосини «ҳаракатга» киритавермайди, ундан (амалдордан) барча «шарбатини» сўриб олиши учун бу ташкилот Россия учун керакли бўлган пайтни пойлайди (кутади). Каримов учун шундай пайт келди, шекилли.

Толиб Ёқубов

(Президент И.Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” номли мақоласига муносабат)

Ўзбекистонда чиқадиган “Мулоқот” журналида президент И.Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” номли мақоласи чоп этилди. Аслида, бу мағни “мақола” дейиш қийин, чунки, унда бирон бир фикр йўқ, бу нарсани халқ учун ёзилган бир “йўлланма” дейиш ҳам имконсиз, чунки, унда кўрсатилган бирон йўлнинг ўзи ҳам йўқ.



Қолаверса, Каримов ўз ҳукуматининг асос тарғибот ва ташвиқот объекти бўлган Амир Темур шахси ҳам жуда кўп халқлар тарафидан “босқинчи” деб аталишидан хабари йўқ кўринади. Агар хабаари булса ҳам, Темурнинг юришларини у “босқинчилик” эмас, бор-йўғи бир “истило” деб мушоҳада қиладиганга ўхшайди.

Мақола давомидаги мана бу сатрларга бир қаранг: “Ўзбекистоннинг обрўйини кўтариш бир четда қолиб,

ТАРИХИЙ ХОТИРАСИЗ ЎТМИШ ҲАМ ЙЎҚ...

“Биз қачонгача ўз тарихимизни биронларнинг нуқтаи назари, қаричи билан ўлчаймиз?” деб савол беради президент ўз мақоласида. Албатта, тарихимизни ўз қаричимиз билан ўлчамимиз ва унга нисбатан ўз нуқтаи назаримиз бўлмоғи лозим, аммо давлатбошининг “нуқтаи назари”нинг ўзида ҳам бирон бир “нуқта”ни топиш қийин: муаллиф ўз мақоласида бор-йўғи, ўзбекларнинг турк ёки хун эмас, балки, бошқа халқ эканлигини уқтиришга урунади, холос. Аммо мақоладан кўринадики, ўзбекларнинг хунлардан “бошқа халқ” эканлиги асло ўзбек халқининг “хунларга ўхшамаган, маданиятли, қадимий” халқ эканлиги маъносидан келмайди, бу фикрни муаллиф, ўзининг қуйидаги надоматли хитоблари орқали ифода этмоқчи бўлади: “Ўзбек номи қачон пайдо бўлган? Совет тарихшуносларининг ёзишича, гўё 16 асрда бизнинг заманимизни Дашти Қипчоқ ишғол қилгандан кейин ўзбек номи пайдо бўлган эмиш. Ахир биз Мавораннаҳр деб атайдиган икки дарё орқали унча ҳам халқ яшаган-ку! Ёки бу халқ бошқа халқ бўлганми? Мантиқ қани бу ерда?”

Муаллифнинг “ёки бу халқ бошқа халқ бўлганми?” деган саволини ушбу мақоланинг лейтмотиви деса бўлади, фақат бу “лейтмотив” очик айтилган фикр шаклида эмас, балки, таажжубга тўла саволлар орқали ўқувчи онгига синдиришга урунилади. Зотан, 20 йилдан ошикроқ вақт мобайнида ўзбек халқига қарши геноцид сиёсати юргизаётган бу одамнинг худди шундай шаклда мушоҳада юриштиши табиий бир ҳолдир, ёки бошқача айтганда, унинг ўзбек халқига қарши юргизган геноцид сиёсати унинг халққа нисбатан ана шундай муносабати мевасидир.

Энди И.Каримовнинг “Мантиқ қани бу ерда?” деган саволига келайлик. Мантиқ шундаки, миллатимиз ҳар доим ҳам ўзбек деб аталмаган. Яъний, президент Каримов излаб топган мантиқсизлик халқнинг ўзгармас, собит ўзлигини унинг ўзгарувчан (ўзгарган) номи билан боғлашга урунишдан келиб чиқмоқдир. Бу усул ўзбек халқига душманлик кайфиятидаги барча сохта “тадқиқотчи”лар қўллаб келаятган усулдир. Масалан, тилимиз “ўзбек тили” деб аталишдан илгари “чиғатой тили” деб аталган ва бу факт, табиийки, биз

нинг миллатимизнинг “чиғатой” эканлигини англамайди. “Чиғатой” калитмаси ўз таркибига бутун Туркистон ва Шарқий Туркистонни олган маъмурий худудга берилган ном бўлиб, бу ном шу худудда яшаган аҳолининг, этник келиб чиқишидан қатъий назар, барчасига нисбатан қўлланилган. Бу худудда яшаган аҳолининг асосий қисмини бугунги ўзбекларнинг аجدодлари ташкил этгани туфайли, “чиғатой тили” деганда, асосан, ўзбек тили тушуниладиган бўлган. Яъний, мантиқ шундан иборат-ки, бир неча минг йиллик давлатчилик тарихимиз мобайнида улус ўлароқ бизнинг номи-мизнинг ўзгариб тургани бу ерда яшаган халқнинг ҳам доим ўзгариб, бошқа бир миллатлар билан алмаштирилиб турилганини англамайди. Ҳатто мўғуллар истило қилганидан кейин ҳам Туркистонни мўғуллар эмас, маҳаллий аҳоли ичидан тайинланган ноиблар бошқарган, чунки, бир кўчманчи қабила вакилининг ўтроқ маданиятга, ўтроқ яшаш тарзига эга бир халқни бошқариши имконсиз бўлган.

Умуман олганда, президент Каримовнинг бу “рисола”сига концептуал шаклда жавоб бериб ўтиришга зарурат йўқ, чунки, унинг мақоласида бундай ёндошишга арзийдиган бирон бир концепциянинг ўзи йўқ. Шунинг учун ҳам бу мақоладаги узук-юлуқ хитобларга биз ҳам қисқа-қисқа жавоблар бериш билан чекланиб қўя қоламиз. Масалан, муаллиф Атиллага ворислик хусусида шундай ёзади: “Босқинчига ворис бўлиш фахр эмас, иснод-ку, бу иғвога учсак, эртага Европа биз ҳақда нима дейди?”

Муаллифнинг: “...босқинчига ворис бўлиш фахр эмас, иснод-ку” деган жумласи нафақат муаллифнинг дунёқарашини, балки, унинг тарихга, тарих илмига бўлган қарши ва муносабатини, илмга ёндошиш шаклини ҳам очик намоён этади. Юртбошининг бу гапи заъмирида “тарихимиздаги барча иснод саналган фактларни йўқ қилиб ташлаб, фақат ифтихорга сабаб бўладиган нарсаларни қолдириш керак” деган “доктрина”ни кўриш мумкин. Бундан ташқари, ўз мақоласи бошида “қачонгача биз тарихимизни биронларнинг нуқтаи-назари, қаричи билан ўлчаймиз”, дея надомат қилган давлат раҳбарининг энди ўзи Европа “нуқтаи-назари ва қаричи” ҳақида қайғуриши жуда қулгули ва айни пайтда аянчли кўринади.

аллақандай атиллаларга ворис бўлиш бизга мутлақо ярашмайди. Мен бунга қатъиян қаршиман”.

Муаллифнинг бу сатрлари рус ёзувчиси А.Чеховнинг “Олим қўшнига мактуб” номли ҳажвия-ҳикоясидаги қахрамоннинг ёзиш ва фикрлаш услубини эслатади. Эсингизда бўлса, бу қахрамон ўзининг олим қўшнисига ёзган мактубида қўшнисининг “қуёшда доғлар бор” деган назариясини “бундай бўлиши мумкин эмас, чунки, ҳеч қачон бундай бўлиши мумкин эмас!” қабилидаги “аргумент” билан инкор этади.

Юртбошининг атрофида унга: “илм, шу жумладан, тарих илми ҳам “мен бунга қаршиман”, “иғвога учини”, “иснод” деган эхтиросли гаплар воситасида бунёд этилмайди, тарихий ҳаққонийлик” бундай тушунча ва хитоблар устига қурилмайди, биз, аждодларимиз ким ва қандай шахс бўлганидан қатъий назар, кайфиятга, шароитга қараб, уларни танлай олмаймиз” деб тушунтирадиган бир зот йўқ.

Энди бевосита “Атиллага меросхўрлик” ҳақида икки оғиз сўз: Атилла бир турк ҳукмдоридир ва у ўша пайтларда Туркистонда яшаган бошқа турк қавмларининг, яъний, бизнинг аждодларимизнинг қариндошидир, аммо биз ўз тарихимизни ва ўзлик ҳиссимизни айнан Туркистон билан боғлаймиз, чунки, Турк қавми Ўрта Русиядан тортиб, Ҳимолой тоғларигача, Дунай дарёси ва Ўрта ер денгизидан тортиб, Узок Шарқ, Сибир, Хитой ва ва Мўғулистонгача чўзилган чексиз худудларда яшаган улкан бир қавмдир.

Мақолани таҳлил этишда давом этайлик, журналнинг 14 бетиде муаллиф шундай ёзади: “Халқимизнинг миллий туйғусини, гурурини уйғотадиган тарихий-илмий хулосалар қани? Нима учун бу масалада олимларимиз ўртасида беҳуда тортишувлар бўлмоқда?” Журналнинг 15 саҳифасида эса, бу гапларга том қарама-қарши бўлган қуйидаги сўзларни ўқиймиз:

“Ешларга қанча тез йўл очиб берсак, илмда, ижодда шунча кўп изланиш, баҳс бўлади. Изланиш, баҳс, мунозара бор жойда эса, ҳақиқат юзага чиқади, тараққиёт бўлади”.

(Давоми кейинги саҳифада)

ТАРИХИЙ ХОТИРАСИЗ ЎТМИШ ҲАМ ЙЎҚ...

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Энди бу “таълимот”ларга амал қилишга жазм қилган олимларнинг ахволини бир тасаввур қилинг: уларнинг бутун ғайрати ва куч-қуввати асосан қайси баҳс-мунозара ва тортишув “беҳуда”-ю, қайси бири, аксинча, “ҳақиқатни юзага чиқарувчи ва таракқиётга хизмат қилувчи” эканлигини аниқлашга сарф қилиниб, бундай “сафарбарлик”дан сўнг уларда на илм билан шуғулланишга иштиёқ ва на бирон бир ташаббус қолади.

Умуман, ўзбек олимларининг бугунги ахволи совет давридагидан ҳам кўра мавҳумроқ ва аянчлироқдир. Совет даврида, ҳар ҳолда, олим илмий иш ёзarkan, “юқори”нинг талаблари нимадан иборатлиги ҳақда аниқ бир тасаввурга ва ўзига хос йўлланмага эга бўлган, ҳозирги ҳокимият сиёсати эса, уларнинг илмий шуурларини бутунлай боши берк кўчага олиб кириб қўйди – олимлар юртбошининг “таълимотлар”идан сўнг нима ҳақда гапириш мумкин-у, нимани четлаб ўтиш кераклигини ҳам билолмай, гаранг бўлиб қолмоқдлар.

Масалан, телевидение орқали Атилла ҳақида батафсил маълумот берган бир олим хусусида Президент ғазаб билан шундай ёзди: “Кўрсатув бозловчиси, олим одам завқ-шавқ билан Атилланинг кимга уйланганини, тўй кечаси кимнинг кўрсатмасига кўра, ким томонидан захарлаб ўлдирилганигача оқизмай-томизмай томошабинга етказди, ҳатто Атилланинг туғилган кунгача аниқ айтди. Ўша олимдан Берунийнинг туғилган кунини айтиб беринг, десангиз, айта олармикин, худо билади”.

Агар бу бечора олим Атилла ҳақидаги маълумот Беруний ҳақидаги маълумотга зид келишини билганида эди, албатта, “йўлбошчи”нинг йўлидан юриб, Атилла ҳақида гапириб ўтирмаган ва фақат Беруний ҳақида гапирган бўларди.

Юртбоши ўз мақоласи давомида шундай ёзди: “Тафаккур” журнаliga берган интервьюда Амир Темур бобомизнинг “Куч – адолатда” деган фикрини ривожлантириб, “Куч – билим ва тафаккурда” деган ғояни ўртага қўйдим. Тафаккур, маърифат, маънавият каерда-ю, Атилла каерда?”

Бу сатрлардаги тарихий микёсга, ўтказилган параллелга қаранг: Атилла, Амир Темур, Каримов... Уч нафар тарихий миссионер... Майли, муаллифнинг миссионерлик туйғуларига кўп ҳам теги-навермай, мақолани ўқишда давом этайлик, иқтибос: “Чуқурроқ ўйлаб кўрайлик, Атиллани рўқач қилиб, бизга сиз узбеклар ҳам кўчманчи халқсиз, демокчи эмасмилар?... Тилимизда “тагли-тугли”, “палаги тоза” деган иборалар бор. Бу бир жойда муқим яшаган, ўз турмуш тарзига, ахлоқ-одоб мезонларига, ақидалари ва тафаккур тарзига эга бўлган хонадонларга айтилади...

Бизнинг миллий борлигимиз, маданиятимиз илдизи, томири ўтроқ бўлган.”

Кўчманчиларнинг ахлоқ-одоб мезонлари, ўз ақида ва тафаккури бўлмади, деган фикрни ким муаллиф қулоғига шипшиди экан? Бутун инсоният, энг “ўтроқ” ҳисобланган халқлар ҳам бир пайтлар кўчманчи бўлган. Ва аксинча, асрлар буйи энг кўчманчи саналган лўлилар ҳам бугунги кунда ўтроқ ҳолда ҳаёт кечирмоқда. Уларнинг ҳам ўз маҳаллалари бор, масалан, Тошкентдаги “Очовот маҳалла” ёки Самарқанддаги “Лўли маҳалла” каби...

Юртбошининг ибораси билан айтганда, “Ўзбекларга рўқач қилинган” Атилла борасидаги ўз фикримизни юқорида айтдик. Бугунги Ўзбекистон минг йиллар давомида Туроннинг, Туркистоннинг қалби бўлиб келган ва бундан кейин ҳам, иншооллох, шундай бўлиб қолади. Ўзбекининг бугунги кифаси миллатни эмас, балки, Л.Гумилевнинг ибораси билан айтганда, “супер этнос”ни тамсил этади. Ўзбек халқи бугунги кунда Турк улусининг мавжуд бўлган бутун уруғларини ўзида мужассам қилгандир. Шу маънода улус сифатидаги мавқеи жиҳатдан бугунги Ўзбекларни фақат Усмонли турклари, яъний, ҳозирги Туркия турклари билангина тенглаштириш мумкин. Ўзбеклар ҳам худди Усмонлилар сингари Туркларнинг барча улусларини ўзига жамлагандир. Бу жамлик узун тарихимиз мобайнида ушбу иккита қардош халққа хос бўлган юксак маданият, давлатчилик шуури, саҳийлик ва бағрикенглик хусусиятлари устига барпо қилиб келинган.

Хуллас, юртбошининг рисоласидаги айтилган гапларни “рисоладагидай” дейиш қийин, ҳўш, у ҳолда, бу рисоланинг ёзилишига туртки бўлган сабаб нима экан, балки, муаллифнинг фикридаги қоришиқликларга мақола ёзилиши учун кўрсатилган сабаб бир оз ойдинлик киритар? Бу ҳақда муаллифнинг ўзи қутилмаган бир самимият билан шундай шундай ёзди: “Ўйлаб кўрайлик, тарих фани махсули – унинг ҳулосаларидан аввало қим фойдаланади? Сиёсатчилар эмасми? Ўз сиёсатини оқлаш, уни олға суриш, тарғиб этиш, узвийлигини таъминлаш, обрўсини кўтариш учун улар тарих фани ҳулосаларига мурожаат қилади”.

Тарихнинг нима учун кераклигини энди тушундингизми, азиз укувчи? Мана шундай мақсад билан ёзилган халқимизнинг тарихини бир тасаввур қилиб кўринг. Айтгандай, буни тасаввур қилиб ўтиришга эҳтиёж йўқ, совет даврида ёзилган тарихимизни эслашингизнинг ўзи кифоя, бу даврда бутун тарихимиз муаллиф орзу қилгандай “ҳукумат сиёсатини оқлаш, уни олға суриш, обрўсини кўтариш” учун ёзилган эди. Муаллифнинг собиқ коммунист раҳбар бўлганини хотирласак, унинг тарихга бундай ёндошишдан хайратланишга ўрин ҳам қолмайди.

Ҳўш, тарихдан ўз сиёсатини оқлаш учун “унумли фойдаланиш”га киришган юртбошининг ўз тарих талқини воқитасида олдинга сураётган ғояларининг совет давридаги ғоялардан фарқли жойи борми? Бор, албатта. Советлар бутун тарихимизни фақат халқни эзиб, эксплуатация қилиб келган мустабидлар тарихи сифатида кўрсатиб, ўзларини эса, халқни бу мустабидлардан қутқарган ҳалоскорлар деб талқин қилган ва халқни буржуазия таъсиридан ихоталашга урунган бўлса, Каримов ўзини мустақиллик курашчиси сифатида кўрсатиб, халқни нафақат собиқ совет мафқураси таъсирдан, балки, умуман, ҳар қандай таъсирдан, айниқса, халқнинг ўзлигини англашига туртки бўлиши мумкин бўлган туркчилик ғояси таъсирдан сақлашга бел боғлагандир. Ўзининг бу мақсадини у ўз мақоласидаги куйидаги сўзлари билан аниқ ифодалайди: “Туркийзабон халқ бор, турк халқи бор – бунинг фарқини ҳар бир фуқаромиз, аввало фарзандларимиз билиб олсинлар”. Ҳўш, юртбошига ўзбекининг турк эмаслигини исботлаш нима учун керак?

Бу саволга жавоб топиш учун Ўзбекистон президентининг йиллар давомида олиб борган ички ва ташқи сиёсатидан бир оз хабардор бўлиш ва ҳукумат буюртмаси билан ёзилиб, Ўзбекистон матбуотида чоп этилаётган ўзбекларнинг миллий мансубиятига доир мақолалар ҳақида бир оз маълумотга эга бўлиш лозим. Маълумки, Ўзбекистон ҳукумати ўзининг сўнгги йиллардаги ташқи сиёсатида турк халқларининг интеграциясига совуққонлик билан қараб келди ва ҳатто баъзи ҳолларда унга муҳолифлик (1996 йилда Қирғизистонда бўлиб ўтган турк халқлари курултойи пайтида юз берган воқеаларни ва Туркияда ўқиётган ўзбек талабаларининг Ўзбекистонга чақириб олиниши сингари воқеаларни эсланг) қилиб келди. Ички сиёсатда эса, турк халқларининг бирлашиши ғоясига қарши тарғиботлар олиб борилиб, шу йўналишда матбуотда бир қатор мақолалар чоп этилди. Масалан, “Ўзбекистон овози” газетасида 1994 йилда чоп этилган “Туркми ёки ўзбек?”, “Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи” сингари мақолалар шулар жумласидандир.

Бундай тарғибот бугун ҳам “ўзга ғоя ҳукмронлигига йўл қўймаслик” баҳонасида кенг жабҳада олиб борилаётган. “Ўзга ғоя”нинг нимадан иборатлигини эса, зукко ўқувчи дарров англаб олишига шубҳа йўқ, бу – халқнинг ўзлигини таниши, тарихий хотирасининг тикланишидир. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” деган гапни айтган одамнинг ўзи халқнинг хотирасини йўқ қилишда жонбозлик кўрсатиб, халқнинг келажига болта урмоқда. Тарихий хотирасиз фақат келажак эмас, балки, ўтмиш, тарих ҳам йўқлигини “ҳукумат сиёсатини оқлаш, уни тарғиб қилиш” учун тарих ёзаётганлар англамайдиларми?

Табиий Сиххат Институтининг фахрий Президенти Ойдин Солих Ризадаги Чойэли Баладияси(мэрияси)да конференция ўтказди.

Программа очилишида сўз олган баладия раиси Ризо Чакир шундай деди: «Хурматли Ойдин опанинг излаб топилмайдиган, қабулларига кириш осон бўлмаган дунё миқёсидаги бир шахсият эканига ишонамиз. Бу ерда инсонлар учун энг қийматли нарса булган соғлиқка алоқадор муҳим маълумотлар тақдим этилади, деб уйлайман.

Бизнинг таклифимизни рад этмай, қабул этгани учун Ойдин хонимга сизнинг номингиздан ташаккур этмоқчиман».

Мажлис очилишида катнашган «Сода Яшаш» Жамияти раиси Фарук Гунинди Табиий Сиххат Институтини ҳақида маълумотлар берди. Нутқини «Купа терапияси»(Банка куйиш) хусусидаги

ОЙДИН СОЛИХ РИЗАДА



билгилар билан яқунлади.

Сўнгра сўз Институтининг фахрий Президенти Ойдин Солихга берилди. У тингловчиларни Исломи Тибби — Тибби Набавий (Пайғамбарлар тиббиёти) ҳақидаги турли олим ва ҳакимларнинг тажрибаларидан фойдаланган ҳолда си-

стемалаштириб, мингларча кишининг соғлиғига қовушишига восита бўлган даволаш услуби билан мухтасар шаклда таништирди. Ойдин Солих бу даволаш услуби ҳақида Туркия бўйлаб жуда кўп конференциялар ўтказган, 30 йилдан кўпроқ муддат ичида тўплаган тажрибалари билан ўртоқлашган.

Программа охирида Баладия раиси Ризо Чакир Табиий Сиххат Институтини вакилларига баладиянинг ҳадияларини тақдим этди.

Ризада ўтган бу сўнги машваратда асосан докторлар ва касби тиббиётга алоқадор муттаҳассислар катнашди. Шунингдек, Риза Баладияси раиси Халил Бакирчининг рафикаси Райхон Бакирчи, Риза вилояти Волийсининг рафикаси Жамила Чакир ва бошқалар иштирок этишди.

ЎХХ Ахборот Маркази

МАЗМУНЛИ ЎТГАН УМР

Ҳар куни тонг отади. Ҳар бир тонгдан ҳар инсон нимадир умид қилади. Балки шу тонг сабаб, кўпдан бери кўрмай юрган дўстини кўрар, ким билсин, балки шу тонгда у ўзининг ушалмай юрган орзуларидан бирига етадиган кун бошлангандир. Балки аксинча, шу тонгда унинг энг сўнги куни бошланаётгандир.

Бугунги тонг мен учун ҳар кунги тонглардек бошланган бўлсада, бироқ бугун таъбим хира бўлган кунлардан бири бўлди. Шу тонгда, 2013 йилнинг 4 май тонгида Ўзбекистондан, аниқроғи Ўзбекистоннинг Жиззах шаҳридан келган бир шум хабар сабаб, юмшоқ қилиб айтганда таъбим хира, кўнглим ўксик бўлди. Жиззахда кадрдон дўстим бўлган бир инсон, Жиззахлик Инсон ҳуқуқлари курашчиси Бахтиёр Ҳамраевнинг оламдан ўтганини ҳақида хабар келди.

Бахтиёр аканинг инсон ҳақлари учун олиб борган кураши, унинг босиб ўтган матонатлик йўлини мактаб ҳам, адо этиб бўлмайди. Зери, уни макташни ҳам мақсад қилаётганим йўқ. Чунки унинг инсонлар учун қилган хизматлари мактовларга ҳам сифмаса керак. Олдий, одмигина ҳаёт кечирган Бахтиёр Ҳамраев саломатлигига ҳам қарамай, ўзгалар дардини осон қилиб юрган инсон эди. Ва энди у йўқ! Адашдим, у бор ва у мангу ҳаёт, фақат хотирамизда мангу ҳаёт.

Ёдимда бор илк учрашув кунларим. Жиззахлик ҳуқуқбон билан 1998 йилнинг ёз фасли эди, Озодлик радиосининг Тошкентдаги офисида танишгандим. Уша кездан дўстона муносабатларимиз бошланди. Қачонки Тошкент томон сафар қилар эканман, Жиззахда бир тўхтаб ўтиб кетадиган одат ҳам чиқардим ва албатта ҳуқуқбоннинг хонадонига меҳмон бўлиб ўтардим. Бахтиёр аканинг хонадонини бирор марта бўлсин, ўз оила аъзолари билангина қолганлигини эслай олмайман. Ҳар куни кимдир келар, ҳар куни униқанда кимдир меҳмон ва у кимнингдир мушқули билан банд бўларди.

Яхши хотирлайман, ўша кезларда

бирор жойда расман ишлай олмайдиган Бахтиёр ака Жиззах бозорида майиз, ўрику ёнғоқ сотиб, ҳам рўзгорини тебратиб, ҳам чор атрофдаги инсонлар ҳуқуқларини ҳимоя қиларди. Шундай кунларни ҳам ўтказиб, тақдирдан миннаддор бўлиб яшаб келаётган инсон эди у.

Сўнги учрашувимиз ҳам худди кечагидек ёдимда. 2005 йилнинг июнь ойи охирилари, агар хотирам алдамаётган бўлса 24 июнь эди ўшанда. Камина Ўзбекистонни тарк этаётганимдан ҳам беҳабар ҳолатда, Қозғистоннинг Олма ота шаҳри томон сафарга чикгандим. Янги қамоқдан озод бўлганман ва ҳар бир кадамим кузатув остида ва бир тунга ўз уйимдан ҳам ўғриллардек қочиб чиқиб Қарши шаҳрини тарк этдим. Қарши шаҳри атрофидаги, ҳамда Қашқадарё вилояти ҳудудини ҳам худди ўғриллардек, яширин йўллар билан тарк этиб Самарқандгача етиб келдим. Энди ўзимни бироз эркинроқ ҳис эта бошлагандим ўшанда. Чунки ортимда кузатув йўқ эди. Самарқанддан Жиззахгача умумий транспортда етиб келиб, тўғри Бахтиёр аканинг хонадонига бордим.

Шу куни унинг уйида меҳмонда бўлдим. Кун давомида одатдагидек сафдошлар ташриф буюришди, дўстлар келиб кетишди. Эртаси куни тонгданок яқиндагина бандаликни бажо келтирган ҳуқуқбонлардан бирининг қабрини ҳам зиёрат қилиб келдик. Ўзбекистон мустақил инсон ҳуқуқлари жамиятининг Жиззахдаги фаолларидан бири вафот этганига ҳали бир ой ҳам тўлмаган экан. Афсус, аини дамда ўша ҳуқуқбоннинг исмини ҳам эслай олмаяпман.

Шундан сўнг Бахтиёр ака мени ҳар диомгидек Тошкентга кузатиб қўйди. Тақдиримдаги кейинги ўзгаришлар эса каминани Скандинавия ярим оролигача олиб келди, аммо Бахтиёр Ҳамраев билан алоқаларимиз узилмай келаётганди. Албатта скайп орқалиб бир биримизни кўриб туриб гаплашган кунларимиз бўлди, хат ёзишган вақтимиз бўлди, те-



лефонда ҳам сўзлашганимиз бор. Инсоннинг ҳар бир куни ғанимат экан. Ҳар бир кун ва уни мазмунлик яшаш муҳимдир! Бахтиёр ака эса ўз умрини мазмунлик яшади ва мазмунлик яқунлади.

Бахтиёр Ҳамраевнинг соғлиғи панд берди. У жигар церрози билан хасталанганди ва сўнги суҳбатимизда ҳам ўз умрини шундай ўтказганлигидан мамнун эканлигини, ҳеч бир нарсдан норози, ёки хафа эмаслигини ва ҳозирги ҳолатида ҳам ватандаги диктатура режимида қарши турганлигини ҳам билдирганди. Сўнги суҳбатимиз эса шу йилнинг 20 апрель кунда, интернетдаги скайп програмаси орқалик бўлди. Шундан бери унинг Скайп адреси қайта очилмади. Ва энди мутлоқ очилмайди, очилганида ҳам ўша ўзимиз билган Бахтиёр ака Ҳамраев қайтиб биз билан суҳбат қилмайди.

Мазмунлик ўтган умр мазмунлик яқунланади. Балки шунинг учун ҳам Бахтиёр Ҳамраев ўз ўлими олдида туриб ҳам, Ўзбекистон келажаги ҳақида қайғуриб гапиргандир менга. Бу инсоннинг қайғуси эса доимо ўзгалар қайғуси билан чамбарча бoғлиқ бўларди.

Кадрдон дўстимни хотирлаб ёзган бу сатрларим албатта унинг яқинларига малҳам бўлмайди, аммо мен малҳам бермоқни ҳам ният қилмадим. Шунчаки дўстимни эслаб, хотирот уммонида қолиб кетган баъзи нарсаларни сизлар билан ўртоқлашдим холос.

Тўлқин Қораев

У. ҲАҚНАЗАРОВ: «GOOD BYE, AMERICA!»

ЁКИ КАРИМОВ КРЕМЛНИНГ ШАРТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛМОҚДА

(Давоми: Боши 1-Бетда)

Россия президенти ўзининг ўзбек ҳамкоридан “қўшни Тожикистоннинг сиёсий қозони атрофида айланмасликни, ундан Тожикистоннинг иқтидордаги президенти Имомали Раҳмановга қарши ҳатти-ҳаракатлардан тийилишни, ҳамда мамлакат ичкарасидаги сиёсий барқарорликни бузишга қаратилган ҳаракатларини ҳам тўхтатишни талаб қилди”.

“Ўйлашимча, собиқ Бош Вазир ёрдამчиси Абдулло Абдулложоновнинг Тожикистонда ҳукумат тепасига келишига бирор имкон йўқ. Шунинг учун ҳам менинг сизга маслаҳатим, бу муҳолиф ҳаракатни ва унинг гуруҳини қўллашни тўхтатинг.

Олдинлари бу гуруҳ бунақа иллюзия билан оғримасди. Бизга маълумки, Абдулложонов ва унинг гуруҳининг Раҳмановни тўнғаришга бўлган умиди фақат Тошкент уларни қўллаганидан кейингина пайдо бўлди”, – деган Россия президенти.

В. Путин Ислом Каримовни Ўзбекистон томони ҳеч бир суриштирувларсиз оммавий тарзда Тожикистонни гиёҳванд моддаларни транзит қилаётганликда айблашдан тўхташи кераклигидан ҳам огоҳлантирди.

“Биздаги маълумотларга кўра Ўзбекистоннинг баъзи юқори лавозимдаги мансабдорларининг асосий норасмий даромади Афғонистонда ишлаб чиқарилган гиёҳванд моддаларнинг транзити, ҳамда уларнинг Ўзбекистонда ҳам етиштирилишидан, уларни Россияга ва бошқа Европа мамлакатларига экспорт қилишидан келади. Мана, яқиндагина, февраль ойи эди, бизнинг полициядаги гиёҳванд моддалар транзитига қарши курашувчи бўлими Ўзбекистондан олиб келинган 200 кг геронни ушлаб қолди. Таъминловчи – Тошкент вилоятидаги фирмалардан бири. Қабул қилиб олувчи эса – у ҳам Ўзбекистон фуқароси, Маҳмуд Худойбердиев гуруҳидаги Ўзбекистон фуқароси. Дарвоқе, биз исёнчи полковник Маҳмуд Худойбердиев Ўзбекистон мудофаа вазирлигининг қайси бўлини маси ҳисобида туришини ҳам биламиз. Сиз нарқобизнесни, кейин Ўзбекистон сиёсий элитасининг бошқа турли-туман ишларини Россия ОАВ да фош этишни давом эттиришимизни ис-тайсизми?” – дея савол қўйган Россия Федерацияси раҳбари.

Кейинчалик, суҳбатнинг қолган қисмида Кремлнинг Каримовга бошқа бир қанча таҳликалик “далиллари” ҳам очикланган: Бу Россия ФСБ хизмати томонидан Ўзбекистон махсус хизматлари киллери, Обидхон қори Назаровга нисбатан суиқасднинг бевосита ижро-чиси Юрий Жуковскийни қўлга олганлиги ва унинг Ўзбекистон раҳбариятига қарши берган кўргазмаларидир. Бундан ташқари, В.Путин томонидан Ислом

Каримов оиласининг йирик молиявий фирибгарликлари “ошқор” этилган.

Каримов буларнинг ҳаммасини сукут сақлаб тинглаган, унда инкор этиш учун арзигулик бирор гапнинг ўзи йўқ эди. Бирор бир жавоб реакцияси-ни кўрсатувчи айблов ҳам Каримовга сафардан кўзланган асосий мақсадни муҳокама қилишига ҳалал бериши мумкин эди. Шундай қилиб...

Кремлдаги апрель учрашувидан кўзлаган асосий мақсад

Бу Ўзбекистонда президентнинг меросхўри масаласи эди. Ислом Каримов, Россия ҳукумати унинг тўнғич қизига нисбатан салбий муносабатда эканлигини олдиндан биларди, шунинг учун ҳам россияликларни Гулнора Каримова номзоди учун розилик олишга уриниб ҳам ўтирмади. Ўзининг меросхўри сифатида Ислом Каримов Кремлга Республика молия вазири бўлган Рустам Азимов номзодини кўрсатди. “У жуда иқтидорлик иқтисодчи ва молиячи. У интелегенци-ядан чиқган. Ҳеч қайси бир кланга ҳам алоқадорлик жойи йўқ. Кириминал тузилмалар билан ҳам алоқадор эмас”. – деган ўзининг оилавий ҳисобчисининг ижобий қирраларини санаб ўтган Ислом Каримов.

Бироқ шу ўринда В.Путин ўзининг норозилиги билдираркан, Азимов Ғарбнинг қўлида кўғирчоқ бўлиши мумкинлигини эслатиб ўтди. “Сизнинг молия вазирингиз молиявий масалаларда ўзини Ғарбга жуда боғлаб ташлаган. Биз биламизки, АҚШ унинг тимсолида ўзбек Михаил Горбачевини кўради. Шуни ҳам унутмаслик керакки, Азимовга таъсир ўтказишга мойил бўлган ричаглар келгусида Ўзбекистонга, қолаверса бутун оилангизга нисбатан таъсир қиладиган ричагларга айланиши мумкин”, дея Россия президенти огоҳлантирган ва у Каримовдан сўнг унинг ўрнида Р.Азимов номзодини асло қабул қила олмаслигини билдирган.

Бу сафар ҳам Каримов бирор эътироз билдирмади. Чунки Россия президенти томонидан айтилган сўзлар ҳақиқат эди. Гап шундаки, Каримовнинг Путин билан олиб борган суҳбати асносида у фақат Кремль олдида қилган гуноҳлари учун жавоб бераётган шахс мақомида турганди. Чунки Москва Тошкентга нисбатан жазо чораси сифатида сиёсий фош этишларни қўллаш билан таҳдид этаётганди. Шу сабабга кўра, Каримовга ўзига меросхўри сифатида Кремль қимни тавсия этиши мумкинлигини тинглашдан бошқа чора қолмаганди. Шундай қилиб.

Кланлар ораси урушда кучларнинг қайта тақсимланиши

Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг апрель музокалари Ўзбекистонда Президентлик учун ку-

рашдаги кланлар ораси урушда кучларнинг қайта тақсимланишига олиб келди. Масалан, МХХ Раиси Р. Иноятв бошчилигидаги гуруҳ Шавкат Мирзиёев томонга ўтди. Шунингдек, Бош Вазир тарафига аввал Гулнора Каримованинг тарафдорлари орасида бўлган МХХ Раиси биринчи ўринбосари Шухрат Ғуломов ҳам ўтган.

Ҳозир мана шу гуруҳ Ўзбекистондаги Президентлик учун курашда “америкага умид” қилаётган Рустам Азимовнинг обрўйига дадиллик билан путур етказа бошлади. Бу ишга Р. Иноятв ва Шухрат Ғуломов “Азимовга қарши” интернетда фаол курашчига айланган Гулнора Каримовани ҳам жалб қилдилар. Улар Гулнора Каримовани унга қарши матбуотдаги урушни Гугушанинг тижорий тизимларига суқилиб қирган ва ғарб разведкаси билан ҳамкорлик қилаётган Рустам Азимовнинг одамлари амалга ошираётганига ишонтиришган. Президентнинг қатта қизи Иноятв идорасидан узлуксиз келаётган хабарларга ишонган ва ўз атрофидаги Азимов йигитларини тозалашга киришган.

Биринчи иш сифатида у ўзининг асосий менеджерлари (иш бошқарувчилари)дан бири бўлган ва бир пайтлар Рустам Азимовнинг тавсияси билан президент оиласининг “бизнес” империясига олинган Нурмуҳаммад Содиковни ишдан бўшатди. Бугунги кунда Азимовнинг бош бухгалтери Нурмуҳаммад Содиков МХХ тергов бўлимида Рустам Азимовга қарши кўрсатма бермоқда ва Ўзбекистон молия вазирининг барча молиявий жиноятларини фош қилмоқда.

Нурмуҳаммад Содиковни “қайта ишлаётган” МХХ терговчилари бу ташкилот Хавфсизлик бўлими бошлиғи Ҳаёт Шарифхўжаевга қарши материаллар тўплашга ҳам муваффақ бўлганлар. Хусусан, Азимовнинг иш бошқарувчиси Ҳ. Шарифхўжаевнинг қатта миқдордаги нақд бўлмаган пулларни нақдга айлантириш бўйича жиноий ишларни бошқариб келгани ҳақида расмий кўрсатма берган. Н. Содиковнинг кўрсатмалари Ислом Каримовга етгандан кейин президент Ҳ. Шарифхўжаевнинг ишдан бўшатилиб, унинг устидан жиноий иш очилишига розилик билдирган.

Бизнинг фикримизга кўра, Ҳ. Шарифхўжаевга қарши ҳужумга унга қарши адовати бўлган МХХ Раиси ўринбосари Шухрат Ғуломов сабаби бўлган. Чунки бундан икки йил олдин Ҳ. Шарифхўжаев бир неча марта МХХ тергов бўлимига бориб, «Зеро-макс» раҳбари Миродил Жалоловни қийноққа солган ва уни МХХ Раиси ўринбосари Шухрат Ғуломовга қарши кўрсатма беришга мажбурлаган.

(Давоми кейинги саҳифада)

У. ҲАҚНАЗАРОВ: «GOOD BYE, AMERICA!» ЁКИ КАРИМОВ КРЕМЛНИНГ ШАРТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛМОҚДА

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)
Натижада МХХ Хавфсизлик бўлимининг собиқ бошлиғи Одил бойдан “Зеромакс” ширкати манфаатларини давлат ҳисобига бойитиш эвазига Шухрат Ғуломовга 20 миллион доллар пора берганлиги ҳақида ёзма кўрсатма олишга муваффақ бўлган.

Албатта, Шухрат Ғуломов Ҳ. Шарифхўжаевнинг М. Жалоловни тергов қилиб, ўзига қарши кўрсатма тўплаганидан хабар топган ва ўз ҳамкасбидан қасос олиш учун фурсат пойлаб турган. Азимовнинг менеждери Нурмуҳаммад Содиковнинг ўз раҳбарига қарши кўрсатма бериш учун МХХ тергов бўлимига ташланиши Шухрат Ғуломовнинг Ҳ. Шарифхўжаевни бартараф қилиши учун қулай фурсат бўлди.

Биз олдинги мақолаларимизда ўзбек махсус хизматларининг молия вазири Рустам Азимовни ерга урадиган далилларни тарғибот қилаётгани ҳақида хабар бергандик. Авваллари бундай тарғибот махсус хизматларининг веб саҳифалари орқали амалга оширилган бўлса, эндиликда бу иш диктаторнинг катта қизининг шахсий твитлари билан қилинмоқда. Аввалги фош қилишлар оддий, интернетдаги маълумотлар шаклида эди. Рустам Азимовнинг ҳозирги молиявий жиноятларининг фош қилиниши эса ярим расмий тарздадир. Чунки бу фош қилишларни президентнинг қизи Гулнора Каримова амалга оширмоқда.

Ушбу айтилганлар асосида айтиш мумкинки, Рустам Азимовни сиёсат майдонидан йўқотишга қарор берган Иноятлов ва Ғуломов иккилиси президентлик тахти учун кланлар ораси курашда Гулнора Каримованинг ёрдами билан жуда айёр ва самарали ўйинни йўлга қўйганлар. Эндиги вазифа отани (Ислом Каримовни) Рустам Азимовнинг ишга ярамаслигига, Шавкат Мризиёевнинг эса президентлик ҳокимиятини идора қила оладиган муносиб номзод эканлигига ишонтира олишда қолган.

Бу масалада охириги сўзни Ислом Каримов айтиди: ҳокимиятини кимга бериш масаласида унинг ўзи қарор бериши керак. Албатта, у президент тахтини қизи Гулнорага беришни истайди. Фақат Гулноранинг номзоди Каримов оиласига қарши амалий тадбирлар билан таҳдид қилаётган Кремлга тўғри келмайди. Бунинг устига Ислом Каримовга Русиянинг МТС ширкати ғарблик таъсисчиларининг МИ-6 махсус хизматидан Каримов оиласи ва Гулнора Каримованинг молиявий жиноятларини фош қилиш учун ёрдам истаганликлари ҳақидаги маълумот келган.

Шу сабабдан ҳам Каримовнинг ўз оиласининг бундан кейинги хавфсизлигини таъминлаш учун апрель музокараларидаги Путиннинг талабларини қабул қилишдан бошқа иложи йўқлигини тахмин қилиш мумкин. Бу ўтган йилги музокараларнинг оқибатидан ташвишланаётган америка ҳукуматига ҳам маълумдир.

Шундай қилиб...

Майкл Хаммернинг Тошкентга сафари

АҚШ Давлат Котиби ёрдамчиси Майкл Хаммернинг шу йил 11 апрель кунини, яъни Каримовнинг Москва музокараларидан бир неча кун олдин, Тошкентга сафар қилишини мана шу ташвишлар билан изохлаш мумкин. Каримов билан мулоқотда америкалик бу меҳмон қутилмаганда Ўзбекистондаги сўз эркинлиги, инсон ҳуқуқлари, сиёсий махбуслар ва болалар меҳнати каби масалаларни кун тартибига келтирган.

Майкл Хаммернинг ушбу масалаларни кун тартибига келтириши Америкаликлардан узоқ вақт мобайнида танқид эшитмаган ва ўзича америкаликларнинг ўзбек томони билан музокараларда сиёсий эркинликларни кун тартибига келтирмасликларига эришган Ислом Каримовни ҳайратга солган. Масалан, Майкл Хаммернинг сиёсий махбуслар ёзувчи Мамадали Махмудов ва журналист Муҳаммад Бекжановларни озод қилиш ҳақидаги дипломатик талаблари Каримовнинг энсасини қотирган.

Ислом Каримов билан суҳбат давомида америкалик меҳмон унга ўтган йил икки давлат орасидаги хавфсизликни сақлаш ҳақидаги шартномаларни хотирлатган. Шунингдек, ўзбек муҳолифатидан келадиган хавфни бартараф қилиш масалалари ҳам кун тартибига келган. Майкл Хаммер суҳбат давомида Каримовга шундай деган: “Ўзбек муҳолифатига, хусусан Ўзбекистон Халқ Ҳаракатига ишлайдиган кишилар Президент идорасига ва ўзбек хавфсизлик хизмати коридорларига қадар етиб келганлар”.

Бу билан Америкалик меҳмон Каримовни муҳолифат хавфидан огоҳлантирмоқчи бўлганми ёки АШҚ махсус хизматларини ҳар нарсага билладиган даҳшатли тизимлар сифатида кўрсатиб, бу кўроқ диктаторнинг юрагига кўркув солмоқчи бўлганмикин?

АҚШнинг сиёсий мунофиқлиги ўз чўққисига тирманмоқда: Ўрта Осиёдаги геостратегик мақсадларига эришиш йўлида америка ҳукумати ўзининг демократик шамойилига зид равишда минтақадаги кичик диктаторларга хушомадгўйлик қилмоқда ва бу тиранларнинг ўз ички сиёсий манфаатларини қўллаб қувватламоқда.

Акс ҳолда АҚШ Давлат Котиби ёрдамчиси Майкл Хаммернинг ўзбек диктатори Ислом Каримовни ЎХХнинг ҳокимият ва хавфсизлик тизимларида ишлайдиган вакиллари ҳақида огоҳлантиришини қандай тушуниш мумкин?

Нима бўлганда ҳам АҚШ давлат котиби ёрдамчисининг Тошкентга сафари, ўтказган музокаралари ва ундаги талаблари, агар Кремль учрашувидан кейин ўзбек ҳукумати яна Москва томонга оғадиган бўлса, бу ҳолда Оқ Уй халқаро ташкилотларда Ўзбекистондаги сиёсий эркинликлар масаласини кун тартибига келтириши ҳақида огоҳлантиришдан иборат бўлган.

Шунинг учун ҳам агар Каримов океан орқасидаги дунё сиёсатининг раҳномаларига қарши чиқадиган бўлса, американинг итоатида бўлган таъсирли халқаро ташкилотлар минбарларидан Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари аҳволи танқидини эшита бошлашимиз мумкин.

Шундай қилиб...

Хулосалар

Бу кунларда ўз оиласининг келажакдаги хавфсизлиги учун тараддудга тушган Ислом Каримов Москва ва Вашингтон орасида чорраҳага тушиб қолган. Агар америкаликларнинг талабини қабул қиладиган бўлса, Кремль хафа бўлиши мумкин. Агар Кремлнинг талабларига кўнадиган бўлса, оиласига хавфсизлик ваъда қилаётган Оқ Уйни хафа қилиши мумкин. Чунки Каримовнинг меросхўри масаласида АҚШ ва Русия ихтилофга тушганлар: америкаликлар бу меросхўрнинг Гулнора Каримова ёки Рустам Азимов бўлишини, русия ҳукуматидагилар эса Алишер Усманов ёки Шавката Мирзиёев бўлишини истайдилар.

Фақат АҚШ ва Русия ўзбек муҳолифатига қарши кураш ва ўзбек халқини қатағон қилиш масаласида ҳамфикрлар. Бу бизнинг мана шундай ачинарли ва даҳшатли хулосага келишимизга асос бўла олади: Келажакда америка ва русия ҳокимиятлари ўзбек халқининг ва ўзбек муҳолифатининг адолат ва сиёсий эркинликлар учун курашига бутун кучлари билан қарши чиқадилар.

Бундай хулоса аввало Каримов диктатурасини йиқитишга амалдай қадамлар ташлай бошлаган Ўзбекистон Халқ Ҳаракати учун огоҳлантириш ўрнида кўрилиши керак. ЎХХ раҳбарлари уларнинг келажакда ўзбек халқини кўп йиллик диктатурадан қутқариш учун амалга оширадиган сиёсий ҳаракатларига нафақат каримов тарафдори бўлган ички кучлар, балки АҚШ ва Русияни тамсил қиладиган ташқи кучлар ҳам ҳам ғов бўлишини унутмасликлари лозим бўлади.

Усмон Ҳақназаров



ЛОНДОН УЧРАШУВЛАРИ

ТУРКИЯ МУҲАММАД СОЛИҲГА ЎЗ ЭШИКЛАРИНИ ОЧМОҚДА

Туркчилик ғоясини ҳақиқатга айланиши

Анқара, Туркия

Совет Иттифоқи қулагандан кўп вақт ўтмай Туркиянинг ўша пайтдаги президенти Сулаймон Дамирэл майдони Адриатика денгизидан Хитой деворларига қадар узанган Туркий халқлар Бирдамлигини тиклаш учун ҳаракатлар бошлагани. Уни бу мақсадни амалга оширишга рағбатлантирган нарса, шу чегаралар бўйлаб жойлашган беш давлат халқлари туркий халқлар тилида гаплашиши эди. Аммо Туркия бунинг учун қийин иқтисодий, дипломатик ва маънавий қарорлар бериши шарт эди.

Ўн йил давомида дунёвий раҳбарлар ва нефт саноатининг бошлиқлари кўшишлари натижасида, бу ҳафта Туркия ўзининг лисоний биродари Озарбайжон билан жуда муҳим алоқа ўрнатди. 28 май куни Каспий денгизидан дастлабки нефт босими янги қувур орқали Баку шахридан Гуржистонга ва ниҳоят Туркиядаги Жейхан шахрига узатилди. Бу ҳодиса Америка сиёсатининг дунёнинг бир четидаги ноёб ғалабаси эди.

Туркия бу йўлда Шарқни Ғарб билан боғловчи воситачи ролини ўйнайди. Шу сабабли, Россиянинг собиқ Совет Иттифоқининг жанубий ҳудудларидаги газ ва нефт экспортидаги олғирликлари кучсизлантирилади.

Аммо, Россиянинг Ўрта Осиёдаги сиёсий ва маданий таъсири ҳамон сақланиб қолаётгани, Туркиянинг бу минтақага бозор иқтисодиёти ва кўплаб туркий халқлар хайрихоҳ бўлган анъанавий Ислом динига асосланган демократияни тарғиб қилишга қаратилган ҳаракатларига тўсиқ бўлиб қолаверди.

Шунга қарамай Кремлнинг баъзи иқтисодий муаммолари шу ҳафтада Анқара шахрида муҳама қилинади. Россия Ташкқи Ишлар вазири Сергей Лавровнинг Туркиялик ҳамкасби билан Анатолия орқали ўтадиган қувурлар келажак баҳс этилади. Бу қувурлар Россия ва Қозғистон нефтини Сомсун турк портидан Жайхонга ўтказиши керак.

Ўтган ноябр ойида бўлиб ўтган Россия ва Туркия давлатлари анжуманида Президент Владимир Путин Россия газини Қора денгиз орқали Самсунга ташувчи йўл жуда ҳам зарурлигини, АҚШ томонидан бу борада тўсиқликлар бўлсада, лойиҳани давом этириш кераклигини таъкидлаган эди. Россия айти пайтда Европага газ экспорт қилиш мақсадида Қора денгиз остидан

Туркияга иккинчи газ қувурлари қуришни истамоқда. Баъзи ҳолларда Туркия ўзи қўшилишни истаётган Европа Иттифқига қараганда Россия билан яқин алоқададир. Ўтган йили ўзаро савдо ҳажми 15 миллиард долларни ташкил этган, Туркия ҳозирги пайтда Россиянинг иккинчи катта савдо ҳамкориридир. 2007 йилда иккитомонлама савдо 25 миллиард долларни ташкил этиши мумкин. Туркия Россияга истеъмол моллари ва қурилиш материалларини сотади ва вазига Россиядан электр энергияси олади.

Россия ва Туркия музокараларида Туркиянинг собиқ Иттифок Республикаларига бўлган сиёсати эътиборга лойиқдир. Бугун Туркия сиёсати олдингйилларга қараганда бироз қатъийлашиб бормоқда. Бунинг бир мисоли машҳур ўзбек диссиденти Муҳаммад Солиҳга нисбатан Анқара муносабатларининг ўзгараётганидир. Жаноб Солиҳ Олмонияда муҳолифатдаги «Эрк» раҳбари сифатида Ўзбекистон президенти Ислом Каримовга қарши ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Жаноб Солиҳнинг таъкидлашича, Президент Каримов озгина демократик ва адолатли сайловда ўзини ютқазиб қўйишини яхши билади ва шу боис у қалтираганча ўзини қўтқарадиган бир йўл изламоқда.

1993-йилда Муҳаммад Солиҳ Каримов босими остида Туркияга қочиб келганди. Ўша пайта Туркия президенти Сулайман Дамирал эди. Афтидан Туркия яна Солиҳ учун ўз эшикларини очмоқда.

Ўтган йилда Ўзбекистоннинг Андижон шахри содир бўлган қатлиомдан сўнг НАТОга аъзо давлатларнинг кўпчилиги Солиҳ учун минбар беришди. Солиҳ учун ўз эшикларини очиб берган Туркия Каримовни ашаддий ҳимоячиси бўлиб келаётган Россияни ғазабани қўзғати мумкин, бироқ Туркия Солиҳни қабул қилган Ғарб давлатларининг маънавий раҳномолигида бу қадамни ташлашга журъат этмоқда.

Агар жаноб Солиҳнинг Ўзбекистонда демократия албатта қарор топиши ва натижада бутун Ўрта Осиёда ўзгариш бўлиши ҳақидаги башоратлари тўғри чиқса, Туркиянинг унга нисбатан сиёсати ўзгаришини олқишлаш мумкин. Нафақат Ўрта Осиёда демократия ва эркин бозор учун, балки Дамиралнинг туркий халқлар ҳамдўстлиги ҳақидаги мужмал орзуси учун ҳам бу жуда омади гапдир.

(Инглиз тилидан Сара Кендзор (Sarah Kendzior) таржимаси, АҚШ) «The Economist» журнали, 06.2006)

Стокгольмдаги «саргузашт»дан сўнг «ЭРК» лидери Муҳаммад Солиҳ Лондонга етиб келди ва ҳибс боис тўхтаб қолган ҳаракатларини давом эттиришга киришди. У Лондондаги Чет эл матбуоти Ассоциацияси журналистлари (The Foreign Press Association in London) билан учрашди. Англия парламентининг Инсон ҳуқуқлари кўмитасида чиқиш қилди.

Солиҳ жаноблари, шунингдек, Англия ташқи ишлар вазирлигида ҳам қабул қилиниб, Андижондан сўнги вазият ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди. Сафар сўнгида у Парламентда Ўрта Осиё кўмитаси раиси Грег Ханд жаноблари томонидан қабул қилинди. Сўхбат чоғида Ўрта Осиёдаги ҳозирги вазият, инсон ҳуқуқлари ва демократия масалалари муҳокама қилинди. Хабарингиз бор, ўтган ҳафта охирида Муҳаммад Солиҳ Стокгольм аэропортида ўзбек ҳукумати талаби билан полиция томонидан қисқа муддат ушлаб турилган эди.

«Сешанба куни Швецияда таниқли ўзбек муҳолифати раҳбарининг қисқа муддат асоссиз ушлаб турилиши бир бутун (тугал) Европанинг Ўзбекистон масаласида аниқ бир қарори хануз йўқлигидан далолатдир, Швед ҳукумати Муҳаммад Солиҳ жанобларидан кечирим сўраса яхши бўларди», - деган эди Хьюман Райтс Вотчнинг Европа ва Марказий Осиё бўйича директори Х. Картнер.

«Муҳаммад Солиҳ хануз Интерпол ордерида қолаётган бир пайтда Президент Каримовнинг Европа бўйлаб бемалол сафар қилиб юриши - бу абсурд бир ҳолат, ақл бовар қилмас бемаъниликдир!» - деб давом этади яна Х.Картнер.

«Сўнги инцидент, ҳодиса - Европа сиёсатининг тутуриқсизлигидан, иккиюзламачилигидан нишонандир. Европа Иттифоқи Ўзбекистон режими оид ўз принципаал муносабатини аниқлаб олиши керак!»

ОҒИЗ СОҒЛИГИ

Милк яллиғланиши (Периодонтит), тишларни қоплаган суяк ва юмшоқ милк тўқималарининг яллиғланишидир.

Яллиғланган милк қизил ёки кўкиш бўлади, оғизни чўтка билан ювганда қонайди.

Туғишнинг олдини олувчи таблеткалар ва бошқа синтетик гормонлар, юрак дорилари, антибиотиклар ва анти-депрессанлар каби иммунитет тизимига салбий таъсир қилган дорилар, қўшимчали емаклар, озиқланиш бузуқлиги ва ҳазмсизлик милк яллиғланишига сабаб бўлади.

Милк яллиғланиши фақат милкларга эмас, суяк тўқимасига ҳам таъсир қилиши мумкин. Милк яллиғланишининг бош симптомлари - оғиздан ҳид келиши, кўкариб-шишган милклар, тиш ювишда қонаш ва оғиз таъмининг бузилишидир.

Касаллик жуда илгариласа, суяк эриб, милклар орқага кета бошлайди.

Баъзан қимирлаган тишни олиш керак бўлади. Тиш олинганда, ўрнига тампон қўйиш тўғри эмас, аксинча, қонни тўхтатмаслик ва оқишини таъминлаш керак. Тампон, тиш томири атрофида бириккан яллиғли қоннинг чиқиб кетишини тўсади. Оқибатда, ичкарида қолиб кетган йиринг милк ва тишларни ушлаб турган суяклар яллиғланишига сабаб бўлади. Бу ҳолат йилларча давом этиши мумкин.

Тишларни тутиб турган суякларнинг яллиғланиши бошқа суякларнинг ҳам яллиғланишига (остеомиелитга) йўл очади.

Қизиғи шундаки, тишларни тутиб турган суяклардаги яллиғланиш тозаланишида тананинг ҳар қандай жойида кезатилган остеомиелит тузалиб кетади. Милк жарроҳлиги билан имплант қўйилиб, милк тарошланганда вужуднинг энергия оқимлари бир-бирига аралашади, тиш тагидаги акупунктур олувчилар бузилади ёки йўқолади. Оқибатда, мавжуд касалликлар чуқурлашиб, янгилари юзага келади.

Бугун милклардаги яллиғланиш ва қонашни тўхтатиш сабабли, қил томирлар лазер билан куйдирилмоқда. Милклардаги қил томирлари лазер билан куйдирилганда кейин устки милкларга боғлиқ мия ва паст милкларга боғланган жинсий органлардаги қон ва энергия айланиши тузалмайдиган даражада бузилади.

Бундан ташқари, лазернинг ДНКга таъсир қилиши натижасида генетик мутациялар вужудга келади. Айни шаклда, замонавий технология маҳсули бўлмиш тиш тузилмаси билан айни хусусиятларга эга суяк кукуни каби дориларнинг тиш ёки милкларга ишлатилиши ҳам кутилмаган натижалар туғдириши мумкин.

Амалгама пломбалари фалаж, алзгеймер, паркинсон, эгзема, садаф, бепуштлик ва буйрак касалли-

кларига сабаб бўлиши мумкин.

Соппа-соғлом ёш қиз амальгама пломба қуйдирганидан 1-2 ҳафта ўтиб, бўйнида садаф чиққани ва ҳайздан узилгани тажрибада кўрилди. Пломба олиб ташлангандан кейин ҳайз тузалди, садаф йўқ бўлди.

Нанотехнологик маҳсулотли протезлар, имплантлар ва наноконкомпозит пломбалар нотаниш ва кутилмаган хавфлар манбаидир. Бу таҳликалардан бири оғизга қўйиладиган «чип»дир. Бу «чип» воситасида беморнинг зехни «марказий компьютер»га автоматик боғланиб, унинг ҳатти-харакати бошқарилиши мумкин. (Масалан, бугун Олмония ва Америкада ҳарбий мақсадларда қўлланиладиган итларнинг тишларига титан қоплама қўйилиб, компьютер воситасида муайян буйруқ берилади).

Маълумки, бу метал (титан) оғиз касалликларидан кенг қўлланилади: титан-имплант, титаниум диоксид пломбаси, тиш оқартирувчи, тиш пастаси ва суяк тузида фойдаланилади.

Демак, тиш чириса, унинг ичини тозалаб, ҳар қандай «титан» ўрнига унга эски тип пломба қўйиш мантиқроқдир («Зехни Бошқариш» бўлимига қаранг)

Оғиз касалликларини жойлашуви-га кўра даволаш

Даволаш, юқорида айтилган оғиз касалликларига сабаб бўлган нарсалардан қочиб билан бошланади. Иккинчидан, оғиздаги амальгама ва наноконкомпозит пломбалар чиқарилади. Бундан кейин:

Ҳар тонг оғизга бир тутам ёввойи жамбўл олинади. Бироз чайнагач, бутун оғиз ичи тўқималарига яхшигина шимилади. Оғиз ичи тўқималарида тўпланган токсинлар тупукка аралашади. Оғиз тўлса, тупурилади.

Ҳар оқшом 8 дона қалампирмунчоқ тупук билан намланади, тишларда бироз эзилиб, лаблар билан милклар орасига тўрттадан қўйилади. Эрталабгача туради ва тупурилади. Бу 1-2 ҳафта давом этади.

Ҳар кун жағ ости билан қулоқларнинг олдиларигача банка қўйилади. 3-5 дақиқа туради. 2 ҳафта давом этилади, 3 ой танаффус билан такрорланади.

1 ҳафта ўтиб милкларга кетганича зулук қўйилади.

Яралар ёпилганидан сўнг, мисвоқ ишлатиш бошланади ва камида 40 кун давом этилади.

Оғизда тиш қоплама (коронка)лар бўлса, ҳар таҳоратда милклар массаж қилинади ва шишган милклар қонатилади.

Умумий нўхот катталагидаги прополис, ёки қарағай сақичи + фимиам аралашмасини 2-3 соат чайнагандан сўнг, ютилади. 40-60 кун давоми-

да бу жараён милк қонашларининг ва яллиғланишининг олдини олади; ҳазми тузатади, ичакларни ишлатади.

Зулук курсидан сўнг 3-5 кун ўтиб бошдан хожамот қилади.

Кунда 2-3 марта тишлар мисвокланади, ҳар сафар мисвокнинг учи кесилади. Ёки милклар бармоқ билан массаж қилинади.

Тиш тозалиги ва оғизнинг яхши ҳиди учун кунига 5-7 дона кардамон ёки қалампирмунчоқ чайналади ва ютилади.

Қўшимча модда таркибли тиш пастаси ишлатиш тавсия этилмайди. (Чунки тиш пастаси оғизда яшаган ва оғиз соғлигидан масъулиятли бўлган 35 тур микробни йўқ этади. Бу микроблар тикланмагунича оғиз соғлиги ҳақда гапириш мумкин эмас).

Бу даволанишни амалга оширганлар тиш пастасининг тозаловчи эмас, кирлатувчи эканини англайдилар.

Қулоқ касалликлари

Ўрта қулоқ яллиғланиши ҳақда билги олиш учун «Фибрил Конвулсиялар» ва «Қулоқ Оғриғи» бўлимларига қаранг.

Қулоқ шанғиллаши

Қулоқларга 3 томчи пиёз суви ёки янги сиқилган ёнғоқ барги суви томизилади;

Қулоқларнинг орқасига қарағай сақичи ёки пиёз суви билан намланган пахта ёпиштирилади;

Елим ўти чойи ичилади;

10 гр тош тузи, 50 гр илиқ сув билан эритилади. Сўнгра бу тузли сувдан керакли миқдор олинади ва айни миқдор асал билан аралаштирилади. Эрта-кеч илиқ қилиб 7-8 томчи қулоқларга томизилади. Ўртақулоқ яллиғланишига, қўзиқорин(грибок)га ва қулоқ гаранглигига фойда беради.

Қулоқларнинг ва бошнинг орқасидан қон олдириш; қулоқларнинг орқасига зулук қўйиш; чаноқ ости ва чаккаларга банка қўйиш, қулоқ яллиғланишини қуритади, гаранглик ва шанғиллашни кеткази.

Кир билан тўлиб қолган қулоқларга:

Бир парча пахта фитил қилиб, асалга ботириб қулоқ ичига қўйилади, 2-3 кун туради. Кейин 16 миқдор карбонат + бир миқдор заъфарон сиркада эритилади, бироз илтиб кунига икки марта 7 томчидан қулоқларга томизилади. 5-7 кун амал қилинади. 5-7 кун ўтиб помпа билан илиқ сув бериб қулоқлар тозаланади.

Соч, қил ва тирноқлар

Қил, соч, соқол ва тирноқлар ҳаёт давомида ўсади, ўлимдан кейин ҳам бир муддат ўсишда давом этади, жасаддан айрилганидан сўнг чиримайди.

Сочлар миянинг умумий ҳолатини кўрсатади.

(Давоми кейинги саҳифада)

КЎЗ КАСАЛЛИКЛАРИ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Мияси соғлом ва қувватли бўлганларнинг сочлари болаликда - сарғиш, балоғатга етганда - қизимтир, ёшлиқда - қаҳваранг бўлади ёки қораяди. Теп-текис ёки жингалак эмас, ўртача бўлади; жуда қалин ва сийрак эмас, ўртача қалинликда бўлади.

Киши каттаргани сайин сочлар секин-аста сийраклашади ва оқаради. Соғлом кишининг сочи ёшлиқда ва қариликда тез ўсади.

Буюкларимиз соч - сафодан, тирноқ - жафодан ўсади, дейишган.

Соч эркаларда ақл ва энергия ҳолатини, аёлларда эса аёллик, шафқат ва марҳамат сифатларини кўрсатади.

Соч ҳолати жигар, ўт пуфаги, юрак, ўпка, тухумдон, ичаклар, буйрақлар ва сийдик йўллари билан боғланган.

Жигар ва ўт пуфаги соғлом бўлмаса, бошнинг ён тарафларида соч тўкилиш бошланади.

Буйрак ёки юрак заиф бўлса, бош ўртасидаги сочлар сийраклашади ва заифлашади. Ўпкалар касал бўлса, сочлар қуруқ ва жонсиз бўлади.

Тухумдон касал бўлса, соч учлари иккига айирлади ва соч синувчан бўлади.

Метаболизм қолдиқлари сочлар ва тирноқлар воситасида ташқари чиқаради. Қолдиқлар қон воситасида тирноқларга ва соч илдизларига, кейин соч толаларига юборилади. Тирноқлардан ҳам бир неча касаллик ташхис қилиниши мумкин. Қанд касаллигида, гормон бузилишида, бўғин, суяк, буйрак ва ўпка касалликларида, метаболизм бузилиши, қонсизликда тирноқнинг ранги, шакли, қалинлиги, нозиклиги, синувчанлиги, тез ёки секин ўсиши ўзгаради.


Қони захарли инсоннинг тирноқлари қалин, чизиқли, кулранг ёки доғли бўлади.

Ичаклардаги бузилиш ва темир етишмаслиги тирноқ тагидан билинади. Тирноқларини олмаганлар ёки тирноқ еганларнинг анча-мунчаси руҳий мувозанати бузилган инсонлар экани тасбит этилди.

Қўлнинг каби оёқ тирноқларининг ҳам аҳамияти катта. Вужуддаги энергия оқими хатлари (линиялари) тирноқнинг икки ёнидаги акупунктур нуқталаридан бошланади.

Масалан, қўлнинг кичик бармоқ тирноғининг ён томонидан - юракка, ишорат бармоқ тирноғидан - қалин ичакка, бош бармоқ тирноғидан - ўпкага, узук бармоқ тирноғидан - нозик ичакка кетган энергия хатти (линияси) бошланади. Ўрта бармоқ тирноғидан эса бутун энергия хатти (линия)ларини бирлаштирган энергия оқими бошланади.

Ҳар бармоқнинг тирноғи уларга боғланган аъзонинг соғломлик ҳолатини кўрсатади.



Ҳақида ҳам билдиради. Демак, инсон ахлоқи унинг еган таоми ва ҳазми билан тўғридан-тўғри боғлиқ.

Бармоқларнинг маънавий даражаси бор. Шу сабабли Пайғамбаримиз (с.а.в.) Ойишаи Сиддиқа (р.а.) онамиздан ривоят этилган ҳадисда шундай дейдилар: “Эй, Ойша, тирноқларингни олганингда ўрта бармоғингдан бошла, кейин кичик бармоқ, кейин бош бармоқ, кейин ўрта бармоқнинг ёнидаги бармоқ, кейин шаҳодат бармоғинга ўт, бундай тирноқ олиш бойлик беради”.

Албатта, бу тирноқ олиш шакли фақат мол бойлиги билан алоқали эмас, жуда кўп ҳикмати борлиги муҳаққак.

Пайшанба куни асрдан сўнг ёки жума куни таҳоратли тирноқ олиш суннат: “Бирор кимса жума куни тирноқларини олса, унинг танасига шифо келади, касалликлардан қутулади”. (Ҳадиси шариф).

Қадимда шу 4 та нарсанинг тупроққа кўмилиши буюриларди: соч, тирноқ, қон, туғилган чақалоқнинг эши ва киндиги.

Бу амр сўзсиз бажо келтирилди. Эски замонларда хотинлар сочларни тарар эканлар, тўкилган сочларни битта қолдирмай тўплашарди. Чунки соч ва тирноқ воситасида жодугарлар сеҳр қилишини билишарди. Бугун бу билгилар унутулаёпти. Қон ва соч ташхис баҳонасида дунё лабораторияларига бемалол юборилмоқда.

Сочларнинг кимёвий таркибида кадмий ва селений бор. Бу икки модда нанотехнологияда қўлланилган иккита асос модда эканини ҳеч унутмаслик керак.

Соч тўкилиши

Соғлом кишида ҳар кун тақрибан 20 соч донаси тўкилади. Қон захарли бўлса, соч томирларини қурилади ва ортиқча соч тўкилиши майдонга келади.

Янги тўкила бошлаган сочларни қутқариш мумкин. Лекин узоқ давом этган калликдан кейин соч чиқишини кутиш - қуриган дарахтдан мева кутиш каби дидир. Қуриган соч тухумларининг яна жонланиши имконсиз.

Кимёвий модда ишлаб чиқарган фабрикаларга, катта йўлга яқин жойда яшаш, компьютерда кўп иш-

Бармоқлар - инсоннинг маънавий оламнинг ойнаси: ўрта бармоқ - дин, узук бармоқ - ахлоқ, кичик бармоқ - юрак ҳолатини билдиради.

Узук бармоқ, масалан, бармоқ эгасининг ингичка ичагининг соғлиғи билан бирга ахлоқи

лаш, микротўқилни печлар, тозалик моддалари, кортизон ва туғишни бошқариш таблеткаси, антиревматик, антидепрессант ва бошқа дори-лар, кимёвий соч бўёқлар ва шампунлар қўлланмоқ соч тўкилишига сабаб бўлади.

Шампунлар таркибида остроген гормонсимон кимёвий моддалар, ароматлар ва эритувчилар бўлгани учун умумий соғлиқни хавф остига қўйган каби, сочнинг кирланишига ва тўкилишига ҳам сабаб бўлади.

Шампун ишлатган ҳар ким аввал ҳафтада 1, кейин 2, кейин ҳар кун сочини ювишга мажбур бўлади. Бу ҳолат шампуннинг тозаловчи эмас, кирлатувчи эканини очиқдан очиқ кўрсатмоқда.

Даволаш

Ҳадиси Шарифда: “Сочларингизнинг сизда ҳаққи бор. Уларни таранг ва ёғланг” дейдилар.

Ҳазрати Али (р.а.) “Тароқ ишла-тишга қаранг. Тароқ ғам, вабо ва фақирликни кетказди, кўзларни қувватлантиради”, дейди.

Инсон анатомияси ва физиологияни билган киши, бу сўзларнинг маъносини тушунади. Билмаган киши эса буларга ишониши кифоя қилади.

Тароқ тахта ёки суяк каби табиий нарсалардан бўлиши керак. Сочларни тараш бошнинг ўртасидан бошланади аввал ўнг, кейин чап томонга ўтилади.

Зарарли таомлар умуман тарк қилинади ва табиий озиқланишга ҳаракат қилинади. Алмаштириб, арпабодиён, қалампир ва газанда чойи ичиш, янги майда қалампир, бодринг, пиёз, саримсоқ, петрушка, қоратундак сочларни қувватлантиради.

Таомлар тартибга солиниши керак, жигар ва қон тозаланиши қилинади, ҳафтада 1 кун 36 соатлик очлик рўзаси тутилади.

Ҳар очлик куни навбат билан елка, бўйин, бош, курак ораси, бел ва думғаза ва тиззалардан қон олдирилади. 3 ой ўтиб янада такрорланади.

Ҳар баҳор ва кузда, қулоқларнинг орқасига, бўйинга, соч ўсмаган жойларга ва чиқиш ерига зулуқ қўйиш ҳам соч тўкилишини тухтатадиган мўъжизавий жараён дидир.

ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt

Мустақил манбааларнинг маълумотларидан фойдаланилди.

Масъул муҳаррир
Камолитдин Йўлдош